

YURIDIK GAZETA

МУКОФОТЛАР МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ватан ҳимоячилари кўни муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар ва Фавқулодда вазиятлар вазириликлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи ҳамда Божхона кўмиталари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг алоҳида ўрнатилган ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ

Мамлакатимиз Қуролли Кучларининг жанговар тайёргарлигини ошириш, давлатимиз сарҳадлари дахлсизлигини ҳимоя қилишдаги жасорати ва мардлиги, иқтисодий манфаатларимизни ҳимоя қилишдаги фидокорона хизматлари, халқ оқоёшталлигини ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашга қўйиб қўйган ҳиссалари учун куйидаги прокуратура ходимлари Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан таъдирландилар:

- «Жасорат» медали билан **Кенжаев** Анвар Ҳайдарович — Термиз ҳарбий прокурори;
- «Шуҳрат» медали билан **Короткова** Вера Михайловна — Тошкент шаҳар прокуратураси бўлими катта прокурори;
- Махмудов** Ҳамза Ҳасанович — Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг умумий назорат бошқармаси бошлиғи;
- Узаков** Шуҳрат Шарапович — Шарқий ҳарбий округнинг ҳарбий прокурори.

Ватанимизнинг мудофаа қудратини ошириш, чегараларнинг дахлсизлиги ва миллий хавфсизлигини мустақамлашга қўйиб қўйган муносиб ҳиссаси, ҳуқуқ-тартибот ва эл-юрт оқоёшталлигини таъминлашдаги фидокорлиги, ижтимоий ҳаётдаги фаоллиги учун Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратураси бошқармасининг ҳарбий прокурори **Мананов** Оримбой

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист» фахрий унвони билан таъдирланди.

Газетхонларимиз номидан барча мукофотланган прокуратура ходимларини самимий муборакбод этамиз.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҚАРОРИ

Янги таҳрирдаги «Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қилади: 1. Янги таҳрирдаги «Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси биринчи ўқишда маъқуллансин.

2. Янги таҳрирдаги «Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси умумхалқ муҳокамаси учун «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарида эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси

Тошкент шаҳри,
2000 йил 14 декабр.

рида эълон қилинсин.

3. Олий Мажлисининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси тушган таклифларни Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси билан биргаликда умумлаштирсин ва янги таҳрирдаги «Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг маромига етказилган лойиҳасини Олий Мажлис муҳокамасига киритсин.

З. ХАЛИЛОВ

Қонун лойиҳаси газетанинг ички саҳифаларида эълон қилинмоқда.



Орзиқиб
кутилган
қор.

● Мухбиримиз бонг уради

Халқимизда «Ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда», деган нақл бор. Афсуски, айрим раҳбарлар ана шу оддий ҳақиқатни тушуниб етмаяпти. Бу билан улар нафақат ўз вазибалари, балки Вазирлар Маҳкамасининг «2000 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишни тугаллаш ва 2001 йил ҳосили учун агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказишга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини ҳам унутиб қўймоқда. Мазкур қарорда эса шудгорлаш ишларини ўтган йилнинг 15 декабригача якунлаш зарурлиги қатъий таъкидланган эди.

ШУДГОР

Ушбу муҳим агротехника тадбири Музработ туманидаги «Туркистон» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасида ҳозирга қадар нияҳосига етказилгани йўқ.

Биз яқинда мазкур қарорнинг қандай бажарилаётгани билан танишганимизда, уюшманинг юзлаб гектар пахта майдонлари ҳатто шудгор ҳам қилинмаганлигига гувоҳ бўлдик. Ҳузурдан тазаланмаган пайкалларни қуриб, бу қадар масъулиятсизликдан ҳайрон қолсан киши. Бундай боқибатлилик, ўзибўларчилик сабабларини сўраганимизда уюшма раҳбарлари

«Ёниги-мойлаш материаллари етишмаяпти» дея ваъ қилишди. Ушбу масалага оидликни қиритишни сўраб вилоят нефть маҳсулотлари корхонаси бошлиғи С.Абрайкуловга мурожаат қилдик.

— «Туркистон»нинг ўтган йилги ёниги фонди 1096 тонна эди. Амалда эса улар 1904 тонна, яъни ортиқ билан олишган. Жорий йилнинг 10 январигача яна 23 тон-

на ёниги берилган, — деди у.

Хўш, уюшмага меърадагига нисбатан даярли икки баравар кўп ёниги берилган бўлса, у ҳолда бунча маҳсулот қаёққа кетди? Нега яна уялмай-нетмай ёниги танқислигини рўқча қилишди? Буни қандай изоҳлаш мумкин?

Жамоа мутасаддилари яна бир масалада найранг кўрсатишга ўхшайди. Гап шундаки, биздаги маълумотларга қўра юқори идораларга ер ҳайдашнинг бориши хусусида берилётган маълумотларда сохтакорликка йўл қўйилмоқда. Қўшиб ёзиш, қўзбўямачилик қилинаётир.

Кези келганда айтиб ўтиш жоизки, уюшмада сурункасига бир неча йилдан буюн белгиланган режалар барбод бўлмоқда. Ўтган йили давлатга 6541 тонна ўрнига 3800 тонна пахта топширилиб, буюртма 58,1 фоизга бажарилди, холос. Фалла етиштириш бўйича эса давлатдан нақд 1111 тонна қардор бўлиб қолишди. Бошқа тармоқларда ҳам аҳоли бундан афзал эмас. Хуллас, ҳўжалик борган сари ботқоққа ботмоқда. Аммо шунга қарамасдан уюшма бошқаруви раиси Исмоил Азизов мансаб курсисига тобора мустахамроқ ўрнашиб олаётир. Ҳамма шунга ҳайрон. Ажабо, у қандай қаромат кўрсатди экан?!

«Туркистон»ликларнинг йил бошидан қадам олишлари шунақа бўлса, бу йилги ниятлар ҳам пунча чиқishi ҳеч гап эмас.

Қурбон ЖўРАНАЗАРОВ,
«Хўқуқ» мухбири,
Сурхондарё вилояти

ЯКУН ВА РЕЖАЛАР

Кеча Тошкент шаҳар, Фаргона, Сурхондарё, Навоий ва Хоразм вилоят прокуратураларининг ҳайъат йиғилишлари бўлиб ўтди.

Бу йиғилишларда мазкур прокуратураларнинг 2001 йилда қонунчиликни ва ҳуқуқ-тартиботни мустақамлаш, жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги ишлари таҳлил қилиниб, янги йилнинг вазибалари белгилаб олинди.

(Ўз мухбиримиз)

Ҳуқуқат

Ҳеч нима
буюкликдек кўзга
яққол ташланиб
турмайди;
оддий бўлиш —
буюк бўлиш дегани.

Р. ЭМЕРСОН

ТАБРИК ЯНГИ АСРИНИ ЮБИЛЕЙ БИЛАН КУТИБ ОЛГАН ГАЗЕТА

Янги йил, янги асрни «Кўксарой» газетаси тахририяти ходимлари кўтаринки кайфиятда кутиб олишди. Сабоби, XXI асрнинг илк кунларида газетанинг 100-сонини чоп этдилди.

Отақон газеталар учун бу катта байрам саналмас, аммо эндигина тетапола бўлаётган газета учун катта байрам. 1997 йилнинг 18 апрелида газетанинг илк сони чиққан эди. Самарқанд вилоят прокуратураси ва вилоят адлия бошқармаси ҳуқуқ-тартиботни янада кўчатириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва истиқлол мафқурасини шакллантиришга қўмаклашиш мақсадида ушбу газетани таъсис этишган эди. Мана газетанинг 100-сонини ҳам дунё юзиди кўрди.

Газетанинг вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари билан ҳамкорлиги натижаси ўлароқ, газета саҳифаларида вилоятдаги барча ҳуқуқий-иҷтимоий фаолият, ютуқ ва муаммолар апрофична еритилмоқда, жамият ҳаёти акс этмоқда.

«Кўксарой»нинг ташкил бўлиши ва оёққа туришида танкили журналист, газетанинг илк муҳаррири Фармон Ташевнинг хизмати катта. Тахририят янги йилда ва янги асрда ҳам ўз услубини сақлаб қолиб, янги-янги иждоий ўзгаришлар қилиш ниятида, режалар улкан.

«Кўксарой» газетаси тахририятини бу ютуқлар билан самимий табриклаб, келгусида янги-янги муваффақиятлар тилаймиз.

С.ХАЛИЛОВ,
Самарқанд вилоят
прокурорининг катта ёрдамчиси

ПРОКУРОР НАЗОРАТИ

«HUQUQ»

YURIDIK GAZETA

Ta'sischiilar

O'zbekiston Respublikasi
prokuraturasi,
Toshkent shahar va Toshkent
viloyati prokuraturalari,
«Qonun himoyasida»
jurnali

Bosh muharrir:

A.ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:

Mels Naimov,
Komiljon Ismoilov,
Baxtiyor Nazarov
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Dilshod Islomov
(mas'ul kotib),
Lola Shomurodova,
Muxtor Shodmonov,
Ahmadjon Xudoyberganov

Gazeta Davlat matbuot
qo'mitasida №00150 raqam
bilan ro'yxatga olingan
Nashr ko'rsatkichi - 231, 232

Manzil: Toshkent shahri,
akademik Yahyo G'ulomov
ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 133-82-34

E-mail: huquq@mail.UzNet.NET

Tahririyatga kelgan qo'lyozma
va suratlar egalariiga
qaytarilmaydi.

Mualliflarning fikrlari
tahririyat fikridan farqlanishi
mumkin. Gazetada bosilgan
fakt va dalillar uchun
muallif mas'ul.
Nashrimizdan ko'chirib
bosilganda «Huquq»dan
olinganligi ko'rsatilishi shart.
Tijorat ahamiyatiga molik
materiallar ** belgisi ostida
chop etiladi.

Gazeta andozasi tahririyat
kompyuter markazida
Pentium-II MMX - 333
kompyutenda sahifalandi.
«Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyot-matbaa
konserni bosmaxonasida ofset
usulida A-3 formatda
chop etildi.
Korxonaning manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Buyurtma G - 2049
Nusxasi — 24526

Bosmaxonaga topshirish
vaqti 20.00
Bosmaxonaga
topshirildi 19.30

Gazeta haftaning chorshanba kunlari chiqadi

Navbatchi muharrir
N. NISHONOV
Navbatchi N. MAHMUDOV
Sotuvda erkin narxda

1 2 3 4 5 6 7 8

Инсон — олий қадрият деймиз. Унинг осуда ҳаёти, ҳаловатли турмуш тарзи эса жамият раванқи ва бахт-саодатининг пойдевори ҳисобланади. Истиқлол тонги отган илк кунданок инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари устуворлиги эътироф этилган юртимизда фуқароларнинг давлат томонидан ҳар томонлама ҳимоя қилиниши долзарб вазифа деб тан олинган эди.

Парламентимизнинг 2000 йил 20 июлда қабул қилган қарори билан «Фуқароларни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг амалга киритилишини ҳам юртимизда фуқаролар манфаатига бўлган эътиборнинг бир намунаси сифатида баҳолаш мумкин. Бу қонуннинг қабул қилиниши прокуратура идоралари, жумладан, Тошкент вилояти прокуратура идоралари зиммасига ҳам масъулиятли вазифалар юкляди.

Маъмур қонуннинг ижросини таъминлаш мақсадида пойтахт вилоятининг Оҳангарон, Олмалик, Ангрэн шаҳарлари, Бўстонлик, Паркент, Оҳангарон туманларининг тоғли ҳудудларида табиий офатлар (қор кўчиши, туپроқ кўчиши, сел ва ҳоказолар) натижасида бу ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳоли ҳаёти ва ҳўжалигида йўқотишлар бўлиши эҳтимоллиги борлиги ҳисобга олинган ҳолда факулдада вазиятлар чоғида аҳолини хавфсиз жойларга кўчириш, шунингдек, ушбу ҳудудлардаги «Қамчик» довоғи каби стратегик объектларнинг муҳофазасини таъминлаш борасида қатор тадбирлар ишлаб чиқибли, уларни ҳаётга тадбиқ этиш чораларини кўриш тақозо этилади. Ушбу долзарб вазифаларга масъулиятли билан ёндошиш, пайсалга солиш салбий оқибатлар келтириши ҳам мумкин.

Маълумки, 1999 йил 21 ноябрь кун «Қамчик» довоғининг Оҳангарон тумани ҳудудидаги 152-қақиримида содир бўлган қор кўчиши натижасида Тошкентдан Фарғонага кетаётган автоуловларнинг бир нечтаси қор тағида қолиб кетган эди. Ҳожа оқибатида 29 нафар фуқаро воқеа жойида вафот этган, 19 фуқаро эса турли даражадаги тан жароҳати олиб шифохоналарга жойлаштирилган эди. Маъмур ҳолат юзасидан Тошкент вилоят прокуратураси томонидан ЖКнинг 207-моддаси 3-қисми билан жиноят иши кўзга тилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилди.

Келинг, юз берган мана шу табиий офат ва унинг оқибатларини таҳлил этиш орқали вилоятнинг аҳоли ҳамда ҳудудларни факулдада вазиятлардан ҳимоя қилиш бўйича мутасадди идораларнинг вазифалари, ушбу соҳадаги бугунги аҳолга аниқликлар киритиб ўтсак.

Дастлабки тергов жараёнида маълум бўлишича, «Узавтойл» ходимлари томонидан «Қамчик» довоғида қор кўчишини олдин йўлни тозалашга доир бир мунча ишлар қилинган бўлса-да, лекин уларнинг илтифат ИИБ Давлат автомобиль назорати бошқармаси билан ҳамкор-

кўнгилдагидек эмас.

Туман ва шаҳар Ички ишлар бўлимида фуқаролар муҳофазаси бўйича махсус ўқув Дастури ишлаб чиқилмаган, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш бўйича тегишли ташкилотлар билан махсус режа тузилмаган, барча ИИБ-ларда фуқаро муҳофазаси бўйича масъул ходим штати бўлсада, баъзи жойларда улар ташкил этилган кундан бери бўш турибди.

Бундан ташқари, қайд этилган жиноят иши тергови жараёнида аниқланишича, «Қамчик» довоғида жойлашган Вазирлар Мақамаси

КҲЧКМ

лиги жуда суст бўлган. Яъни «Узавтойл» тизими ходимлари ўз вазифаларини бажариши чоғида ДАН ходимларига доводан ўтаётган автоуловларни тўхтатиш, уларни қор кўчиши хавфи бор жойларга яқинлаштирмамаслик каби вазифаларни бажариш учун шароит яратмаганлар.

Ваҳоланки, автомобиль йўллари бошқармаси, АТПлар ва Ангрэн махсус йўл таъмир трестига биринчи навбатда идоравий тармоқлар орқали ФВДТ бошқаруви органларини, шунингдек йўловчиларни факулдада вазиятлар хавфи борлиги ёки юзага келганлиги тўғрисида хабардор қилиш вазифаси юклатилган.

Ачинарлики, юз берган ноҳус ҳодисадан автомобиль йўллари бошқармаси, АТПлар ва Ангрэн махсус йўл таъмир трести раҳбарлари хали ҳам тегишли хулоса чиқармаганлар шекилли, ҳозирги кунда ҳам Тошкент-Уш автомобиль йўлидаги кўприклар, сув ўтказиш қувурлари ҳимояси талаб даражасида эмас, баъзи жойларда эса умуман йўқ. Автомобил таксомотор саройида факулдада вазиятлар чоғида аҳолини эвакуация қилишга ёқилғимойлаш материаллари захираси умуман ажратилмаган.

Туман ва шаҳар Ички ишлар бўлимида, айнқисса, ДАН ходимларига табиий офатлар вужудга келган вақтда жамоат тартиби ва йўл ҳаракати ҳавфсизлигини, стратегик объектлар, ҳудудлар, моддий ва маданий бойликларни муҳофаза қилишни таъминлаш ва яна бир қанча вазифалар юклатилган бўлишига қарамаздан, бу идоралардаги аҳвол

ҳузурдаги «Гидрометеорология» Бош бошқармасига қарашли қор кўчкисини кузатуви станция жаҳандиси К.Белялов техника ва радиоалюкка бўлмаганлиги сабабли қор кўчиши тўғрисида фоқиадан фақатгина 20-30 дақиқа олдин хабар берган. Бу вақтда эса қўллаб автоуловлар ва фуқаролар қор кўчиши хавфи бор жойда бўлганлар.

Бу шундан далолат берадики, «Қамчик» довоғида жойлашган қор кўчишини кузатуви станция иши талабга жавоб бермайди.

Қонунга мувофиқ эса, «Гидрометеорология» Бош бошқармаси ва унинг тизимидаги идораларга стилияли гидрометеорологик ҳодисаларни прогноزلлаш, кузатиш ва назорат қилиш, селга ва кўчкига қарши тадбирларни ўтказиш зарур бўлган ҳудудларни аниқлаш, Факулдада вазиятлар вазирлиги ва бошқа тегишли идораларнинг гидрометеорологик ахборот билан таъминлаш ва бошқа вазифалар юклатилган. Лекин, афсуски, бошқарма ва унинг жойлардаги идораларнинг иши жудаям сусайиб кетган.

Ҳозирги кунда фақат Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси Ангрэн кузатув станцияси томонидан кўчи хавфи, унинг фоллашуви ҳақидаги маълумотлар ўз вақтида ҳоқимият органларига тақдим қилинмоқда.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги «Ташобтелеком» корхонасида амалга оширилётган ишлар ҳам етарли эмас.

Туман ва шаҳарларда барча сиреналарнинг рўйхатга олиш ва таъмирлаш ишлари умуман ўтказил-

маган, уяли алоқа билан таъминлаш ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Юқорида қайд этилган қамчилик ва нуқсонлар бошқа қонунбузилишлар, кўнгилсиз воқеаларни келтириб чиқариши табиий. Масалан, 2000 йил 21 май кун и хоразмлик Б.Жуманиёзов ўзига бириктирилган «Татра-815» русумли автомашинаси таҳминан 5 тонна ош тузини орган ҳолда, йўл варақасисиз ва юк ҳужжатларисиз кетаётганда Тошкент-Уш автомобиль йўлининг 166-қақиримида номаълум сабабларга кўра йўлнинг ўнг қисмига чиқиб кетган. Оқибатда йўл четидида турган «Краз-256», «Қамаз» 5410-русумли автомашиналарга ва «МТЗ-80» ва «Т-28Х4» русумли тракторларга келиб урилади. Натижада Б.Жуманиёзов, унинг ҳамроҳи Ш.Йўлдошев ҳамда «Краз» автомашинасининг йўловчиси Х.Умаровлар ҳодиса содир бўлган жойда вафот этишган. А.Эржаев эса огир тан жароҳати сабабли касалхонада вафот этган.

Бундан ташқари, «Краз» хайдовчиси Х.Бойназаров, «МТЗ-80» трактори хайдовчиси Қ.Муқимов, йўловчи З.Жураевлар тан жароҳатлари билан касалхонага ётқизилганлар.

Шу ўринда эътиборингизни бир нарсага қаратмоқчиман, Б.Жуманиёзов бошқарувида бўлган автоулов хизмат сафари йўланмасига кўра Қорақалғонистон Республикаси, Кўнғирот шаҳрига Рёстубилан. Шунга қарамли, у таҳминан 5 тонна ош тузи ортлган ҳолда Наманган вилояти ҳудудида йўл транспорт ҳодисаси содир этган. Яъни 1500 қақиром масофалик йўлга ўзбоқимчалик билан чиқиб кетган.

Маъмур ҳолат юзасидан Тошкент вилоят ҳудудида жойлашган бир неча ДАН масканларига чиқиб, автомашиналарни рўйхатга олиш китоблари текширилганда, давлат белгиси 22АД076 бўлган «Татра-815» русумли автоулов рўйхатга олинмаганлиги аниқланди. Бу шундан далолат берадики, Урганчдан йўлга чиққан «Татра-815» машинаси ДАН ходимларининг масъулиятсизлиги сабаб ҳеч бир ҳужжатларисиз 1500 км. масофани босиб ўтган. Ва бунинг оқибатида нафақат хайдовчининг ўзи, яна уч нафар бегуноҳ йигит оламдан бевақт кўз юмди.

Маълумки, қонунлар халқ ва жамият манфаатлари йўлида қабул қилинади. Шу маънода, «Фуқароларни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунни ҳам ҳаётимизда муҳим аҳамиятга эга дейиш мумкин. Маъмур қонунга амал қилиш, унинг ижросини таъминлаш қўллаб бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишнинг гаровидир.

М.УСМОНОВ,
Тошкент вилоят
прокурорининг ўринбосари

ҚОНУН ВА ИЖРО

БИЛИМ ҲАММАГА КЕРАК

Республикамизнинг бозор муносабатларига ўтиши ва бу ҳолатнинг конституцион мустаҳкамланиши ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ҳўқуқий жиҳатдан тартибга солишни тақозо қилади. Бу эса ўз навбатида ҳўқуқни муҳофаза қилиш идоралари зиммасига ҳам қўқур масъулият юкляди. Жумладан, прокуратура ходимлари бозор иқтисодиёти билан боғлиқ билим ва кўникмаларга эга бўлишлари лозим. Шу боис Хоразм вилоят прокуратура идоралари ходимларининг малакасини ошириш мақсадида ўтказилаётган ўқувларнинг яқинда бўлиб ўтган машғулотида ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолияти билан боғлиқ қонунлар, фармон ва қарорлар ижросини таъминлаш ҳўсусида сўз борди.

Машғулотларни Хоразм вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари Шерали Раҳмонов очди.

Вилоят ҳўжалик суди раиси Қ.Каримовнинг «Ҳўжалик шартномаларига оид ҳўжатларнинг ҳўжалик ишларини судда қўришда қўлланилиш амалиёти», вилоят ҳўжалик суди судьяси Б.Қурбоннинг «Банкротлик тушунчаси ва унинг сабаблари, иқтисодий ночор корхоналарни банкрот деб топиш ҳақидаги аризаларни кўриш амалиёти», вилоят прокурорининг қатта ёрдамчиси Г.Машариповнинг «Шаҳар ва туман прокурорлари томонидан вилоят прокуратурасига ҳўжалик юритувчи субъектлардан қарзларини ундириш ва ночор корхоналарни банкрот деб топиш ҳақида ариза кўзга тилиш бўйича тақдимнома билан мурожаат этиш фаолияти» мавзуларидаги маърузалари йиғилганларнинг жиддий фикр алмушувларига сабаб бўлди.

Маълумки, ҳамма корхоналар ҳам бозор иқтисодиёти талаблари дара-

жасида фаолият кўрсатолмаяпти. Шу боис корхоналар фаолиятида уларнинг туловга қобилиятсизлиги — банкротлиги ва туғатилиши ҳолати пайдо бўлди. Рақобатга дош бераолмаётган корхоналар, шўбхасиз Хоразм вилоятда ҳам учрайди. Прокуратура бундай корхоналар фаолиятини қонунлар асосида қўқур таҳлил қилиб, уларнинг туғатилиши ҳақида ҳўжалик судига даъво аризалари билан мурожаат қилиб келмоқда. Бу аризалар аксарият ҳолларда қаноатлантирилмоқда.

Шуни айтиш жоизки, баъзи корхона, ташкилот раҳбарларининг ўз вазифаларига совуққонлик билан қарашлари дебитор-кредитор қарзлар юзасига келишига сабаб бўлади. Бу эса прокуратура ходимларидан қонунбузарликларга қарши мурасоисиз кураш олиб боришни тақозо қилади.

Машғулотида, шунингдек шаҳар ва туман прокурорларининг ҳўжалик юритувчи субъектлардаги қарзларни ундириш ва ночор корхоналарни банкрот деб топиш ҳақида ариза кўзга тилиш бўйича вилоят прокуратурасига тақдимнома билан мурожаат қилиш фаолияти ҳам таҳлил этилди.

Машғулотида қатнашчиларда қўқур таассурот қолдириш билан бирга иш фаолиятларини қайта кўриб чиқишларга рағбат уйғотди. Зеро, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг муваффақиятли фаолият кўрсатишлари мамлакатимизнинг эртасини таъминлайди, буюк келажакимизга пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Гулбаҳор МАШАРИПОВА,
Хоразм вилоят прокурорининг судларда ҳўжалик ишлари
қўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўйича қатта ёрдамчиси

Тахририят

ХАТҚУТИСИДАН

«ХУҚУҚ»ҚА ЖАВОБ БERAДИЛАР

ТАНҚИДИЙ БАҲО БЕРИШ ЗАРУР

«Хуқуқ», 2000 йил 29 ноябрь, 48-сон

● **Муаммо**

МАШОЙИХЛАР ТЎҒРИ АЙТГАН ЭКАН

Хурматли «Хуқуқ» газетаси тахририяти! Мен ёзаётган муаммо кўндан бери ҳал бўлмай келяпти. Шу боисдан тахририят аралашиб ёрдам берар, деган умид шу хатни ёзишга мажбур қилди. Хуллас, гап бундай:

Янгиер шаҳар Ховос кўрғончасида «Чаманзор» деб аталадиган маҳалла бор. Иси жисмига монанд эмаслигини «келдим, кўрдим, билдим» дейдиган мард керак. Майли, «Чаманзор»нинг чаманзор бўлмаганлигига аҳоли ҳам айбдордир, лекин неча йиллардан буён бу ерда ичимлик суви муаммо бўлиб келаёттир.

Маҳаллада бир неча скважина (тик кўдуқ) бор. Уларнинг бугунги кунда бирортаси ҳам ишламайди. Гоҳида аҳолидан пул йиғилиб ёки баъзи савобталаб фермерларнинг маблағи ҳисобига таъмирланиб, бирортасидан сув чиқиб қолади. Тўғри, баъзан шўр сув чиқади. Бироқ, аҳолининг суянганини айтмайсизми. Сув бўлса бўлди-да! Аммо кўп ўтмай баъзи техник сабабларга кўра (электр таъминотидаги узлиш каби) шидан чиқади. Уша битта яхши насос ишлаб турганда сув ташийдиган араваларнинг тарақат-туруқ шовқини билан ягона кран олдидаги томошаларни кўрсангиз «Сув — ҳаёт» деб машойихлар тўғри айтганлигининг гувоҳи бўласиз. Бу манзара вилоят телевидениесига ҳам кўп марта кўрсатилди. Газеталарда босилган шикояту фельетонларнинг эса саногги йўқ.

Қайсидир мутасадди раҳбар келадиган бўлиб қолганда, катта йўл ёқасидаги ўша ягона краннинг суви тўхтаб, маҳалла ичидаги кранлардан сув чиқди (балки тасодифдир). «Раҳбар» келиб кетганидан кейин яна эски тос, эски ҳаммом.

Шу кунларда маҳалла оқсоқолининг ҳам ҳафсаласи пир бўлди, чунки яқинда қатор-қатор мажлислар ўтказиб, аҳолидан пул йиғиб сув чиқартирғанди, хурсандчилиги узокқа бормасди. 2-3 кун ишлаган насос яна куйди. Шундан бери бир ойча вақт ўтди, сувдан эса дарак йўқ.

Менинг билишимча, Ховос остидаги сув ҳавзаси ишлатишга мутлақо яроқсиз экан, яъни сув бошқа жойдан келтирилиши керак. Қачон ва қандай қилиб? Бу жуда катта муаммо.

Ҳозир битта скважина ишлайди (суви шўр), ўшанга ҳам маҳалланинг олдинги оқсоқоли қулф солиб қўйган, «мени оқсоқол қилиб сайласаларингиз суви очаман», дейди. Сув масаласидаги мажлисларда маҳаллий ҳокимият вакиллари бу арзимас масалани ҳал қилишни «босиқлик» билан айтишади, аммо маҳаллий ҳокимият неча бу муаммони ҳал этмаётгани сабабини ҳамон тушунолмаямиз.

Абдураззок САНГИЛОВ,

Гулистон Давлат Университети қошидаги Янгиер академик лицейининг анжн фанлар кафедраси мудири

● **Мададталаб мактуб**

БИЗГА ЕР КЕРАК

Хурматли тахририят!

Ушбу хатни Хоразм вилояти Ҳазорасп туманидаги «Эркин» ширкат хўжалигининг 7-бригадасидан йўллаяман. Ҳозир мен яшаётган бинода 5 оила, ҳар бириси ўртача 3-4 тадан фарзанд, жами 20 жон истиқомат қиламиз. Аҳолимиз ёмон, жой торлик қилганидан уйда ҳар кун жонжал. Бизга иморат қуриш учун 2 та ер майдони беришларини сўраб аввал ширкат хўжалигига, сўнг туман ҳокимиятига, ундан кейин вилоят ҳокимиятига, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раисига бир неча марта озгаки ва ёзма мурожаат қилдик. Ҳамон идоралар йўлида сарсон-саргардонмиз.

Туман ва вилоят ҳокимиятидан келган жавоб хатларда «арзангиз кўриб чиқилди» дейилади-ю, муаммони ижобий ҳал қилиш тўғрисида эса гап йўқ.

Умрим бўли ишлаб келдим, ҳозир 2-сурўх ногирониман. Бутун умидим сизлардан. Муаммони ҳал қилишга ёрдам берингизлар.

Жуманиёз МАТНАЗАРОВ,
Хоразм вилояти, Ҳазорасп тумани

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги мазкур мақола юзасидан қуйидагиларни маълум қилади: мақола вилоят Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармасининг 2000 йил 29 декабрь кун туман (шаҳар) меҳнат бўлими бошлиқлари иштирокида ўтказилган кенгайтирилган йиғилишида атрофлича муҳокама қилинди. Камчиликларни бартараф этиш юзасидан тadbирлар ишлаб чиқилди.

Шеробод туман ҳокимининг 1999 йил 27 ноябрдаги 422-қарорига асосан «Шерободпахта» очик турдаги хиссадорлик жамиятида 2000 йилда 48 та иш ўрни барпо этилган. Иш қидираётган фуқароларни шахсий ҳисобга олиш varaқаси очилган. Фуқаро Музаффар Бўтаёров 2000 йил 31 январда, Шерали Ҳўраев 24 январда туман меҳнат бўлими йўлнамаси билан ишга юборилганда корхона раҳбари З.Мухаммадиев асосисз равишда ишга қабул қилмаганини учун туман меҳнат бўлими инспектори томонидан унга нисбатан МЖТКнинг 50-моддасига асосан 8750 сўм миқдорда жарима кўлланилган. «Шерободпахта» ОТХЖга нисбатан «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»-ги кунунинг 18-моддаси, 8-қисми ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 1 декабрдаги 504-қарори билан тасдиқланган низомад биноан 267069 сўм миқдорда молиявий жарима кўлланилган.

Фуқаро Уктам Номозов 2000 йил 29 августда меҳнат бўлими йўлнамаси билан «Шерободпахта» ОТХЖга юборилганда ишга қабул қилинмаган. Туман прокуратураси аралашуvidан кейин

2000 йил 18 сентябрь кун ишга қабул қилинган.

Мақолада Сарийосиё тумани бўйича Тўполанг сув қурилиш бошқармасида 35 та, машина-трактор парки давлат хиссадорлик жамиятида 9 та, ўрмон хўжалигида 17 та иш ўрни ташкил қилинмагани қайд этилган.

Иш ўрни яратмагани учун сув қурилиши бошқармасига 672000 сўм, машина-трактор парки давлат хиссадорлик жамиятига 870000 сўм молиявий жарима кўлланилган. Ўрмон хўжалигида 17 та иш ўрни тўлиқ яратилиб, фуқаролар ишга жойлаштирилган.

Термиз шаҳар меҳнат бўлими томонидан ишсиз сифатида рўйхатга олинган Бозоров Абдусалом 2000 йил 27 мартда 53-автокорхонага йўллама билан юборилган, раҳбарият томонидан шофёрлик лавозимида ишлаш учун автомашина кўрсатилган. Кўрсатилган автомашинани таъмирлаб, ишга чиқиш имконияти бўлмаганлиги сабабли у ишни рад этган. М.Норкуловга 2000 йил 6 апрелда йўллама берилган. Зафар Жалиловга 2000 йил 11 майда экспедиция автокорхонасига йўллама берилган, раҳбарият қоровул вазифасига ишга қабул қилишга розилик берган, лекин фуқаро сабасиз ишга келмаган.

Ишга жойлаштирилганлар орасида мақолада келтирилган Л. Муртазина ва З.Абдуллаевалар иш сўраб мурожаат қилганларни рўйхатга олиш китобида қайд этилмаган ҳамда ҳисоботга киритилмаган.

Термиз шаҳар меҳнат бўлимининг 2000 йил 26 декабрдаги 45-буйруғига асосан қамоқ жазоси-

дан озод этилган шахсларнинг ишга жойлаштириш бўйича назоратни сувайтиргани, маҳалла вакиллари ҳамда Ички ишлар ходимлари билан биргаликда мазкур шахслар билан етарли даражада иш олиб бормаганлиги учун маҳаллага бириктирилган меҳнат назорати Нажириддин Муроталиев огоҳлантирилди.

Вилоят Меҳнат бошқармасининг 2000 йил 29 декабрдаги 300-И рақамли буйруғига асосан иш фаолиятида хато-камчиликларга йўл қўйганилиги учун Шеробод ва Сарийосиё туман меҳнат бўлимининг янги тайинланган бошлиқлари Я.Чориев ва А.Холиқовлар ушбу лавозимда кўп вақтдан буён ишламаётганлигини инобатга олиб огоҳлантирилди, юқоридаги камчиликлар тақдорланса қаттиқ интизомий жазога тортилиши ва меҳнат шартномасини бекор қилишга бўлган чора кўлланилиши кўрсатиб ўтилди.

Вилоят ҳокимлиги томонидан вилоят меҳнат бошқармасига Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»-ги қонуни ва «Ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдорини белгилаш тўғрисида»-ги Низомни талабларининг туман (шаҳар) меҳнат бўлимларида бажарилишини таъминлаш ҳамда назорат ўрнатиш мақсадида тегишли кўрсатмалар берилди.

А.ХУДОЙКУЛОВ,
Сурхондарё вилоят ҳокимининг ўринбосари

«ЭХТИЁТ БЎЛИНГ, ЧУҚУРЧА БОР!»



Хоразмга келгудек бўлсангиз, ўнқир-чўнқир йўллари билан излаб узок овора бўлмай, тўғри Урганч туманининг марказий кўчаларига йўл олинг. Аммо О.Раҳимов кўчасига бурилишингиз билан йўл саргузаштлари бошланади. Кўча охиригача машинагизнинг бирор жойи бузилмасдан етиши амримаҳол. Дарвоқе, шу кўчада Ҳасанбой деган йигит автомобилларни таъмирлаш устaxonаси очиб қўйган. Устанинг бозори ҳам чаққон. Устани машҳур қилган Урганч туман йўллари бўлса, ажаб эмас.

Фақат бу кўча эмас, туманининг Мўқимий кўчасидан Урганч шаҳри томон йўл олган ҳайдовчилар ҳам рулга маҳкам ёпишиб олади. Йўлда учрайдиган «яшигина» чуқурчалар шуни тақозо қилади. Туманининг «Мустақиллик» кўчаси нафақат ҳайдовчилар, балки йўловчилар учун ҳам жуда хавфли. Ахир, йўлнинг ўртасида учрайдиган озги ёпилмаган чуқурчаларга тушиб кетиш ҳеч гап эмас. Яхшиямки, ўша чуқурчаларга «эҳтиёт бўлинг, чуқур бор» белгисини билдирувчи ҳода, чўпларни ташлаб қўйишган. Сиз суратда кўраётган ана шундай белги Урганч тумани «Мустақиллик» кўчасининг қоқ ўртасига қўйилган. Антика «белгиларга» риоя қилиб эҳтиёт чорасини кўрсатмасангиз, ўзингизни ёки автомашинагизни чуқурчада кўрасиз...

«СИЗГА НИМА БЎЛДИ, МУҲИТРАМ АЁЛ?»

«Хуқуқ», 2000 йил 29 ноябрь, 48-сон

Юқоридаги сарлавҳа остида берилган мақола юзасидан Наманган вилояти ҳокимлигидан тахририятимиз қуйидагича жавоб олди:

«Хуқуқ» газетасида берилган Давлатобод туман прокурори, адлия маслаҳатчиси Ф.Бойзоқовнинг «Сизга нима бўлди, мухтарам аёл?!» номи мақоласида кўтарилган муаммолар юзасидан вилоят ҳокимлиги шуни маълум қиладики, мазкур туманда фаоллар иштирокида йиғилиш ўтказилиб, тегишли чора-тадбирлар белгиланб олинди. Шунингдек, вилоят хотин-қизлар қўмитаси ва Давлатобод туман ҳокимлиги ҳамкорлигида хотин-қизлар ўртасида жиноят-чиликнинг олдини олишда ҳуқуқ-тартибот органлари билан ҳамкорликни кўчатиришга бағишланган йиғилиш ўтказилди. Шунингдек, Ички ишлар идоралари билан ҳамкорликда ҳар бир маҳаллада кенг қамровли «Тартибот» тадбирларини ўтказишга ҳам келишиб олинди.

Туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан аёллик шаънига доғ тушираётган иштирокида мулоқот ўтказилиб, ушбу мулоқот вилоят телевидениеси орқали аҳолига намойиш этилди ва маҳаллаларда мазкур кўрсатув муҳокама қилинди.

Айни кунларда ҳам туман хотин-қизлар қўмитаси ва Ички ишлар бўлими ҳамкорлигида рейдлар ўтказилмоқда.

Маҳалла постонлари доимий ишлаб турибди. Паспорт тизими қайта кўриб чиқилмоқда.

Шу билан бирга, бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, туман прокуратураси ва Ички ишлар бўлими ҳамкорлигида тадбирлар белгиланиб, унинг тўлиқ бажарилишини назорат қилиш вилоят хотин-қизлар қўмитаси зиммасига юклатилди.

Ойбек ЖУМАНИЕЗОВ,
журналист

И.ЮСУПОВ,
Наманган вилоят ҳокими ўринбосари

ЛОЙИХА

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

I БЎЛИМ.
УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Прокуратура

Прокуратура — ягона марказлаштирилган тизимга ага бўлган ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширадиган давлат органи.

2-модда. Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларининг вазифалари

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларининг (бундан буён матнда прокуратура органлари деб юритилади) вазифалари фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинлигини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тизуми ва жамиятнинг қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборат.

3-модда. Прокуратура органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари

Прокуратура органларини ташкил этиш ва фаолиятини юритиш тартиби, шунингдек уларнинг ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

4-модда. Прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари

Прокуратура органлари ўз фаолиятини қуйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширади:

вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар, шунингдек фуқаролар томонидан қонунларнинг бажарилишини назорат қилиш;

қонунийликни таъминлаш ва жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш;

жиноятлар юзасидан дастлабки тергов олиб бориш;

судларда ишларнинг қўриб чиқишида иштирок этиш;

қонун ҳужжатларини такомиллаштиришда ва ҳуқуқий тарғибот ишларида қатнашиш.

5-модда. Прокуратура органлари фаолиятининг асосий принциплари

Прокуратура органлари фаолиятининг асосий принциплари қонунийлик, одиллик, мустақиллик ва ошкоралиқдир.

6-модда. Прокуратура органлари мустақиллигининг қафолатлари

Прокуратура органларининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси назорати остида бўлади.

Прокуратура органлари ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат биришмалари ҳамда мансабдор шахслардан мустақил тарзда фақат қонунга итоат қилиб амалга оширадиганлар.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жамоат биришмалари, шунингдек мансабдор шахсларнинг прокуратура органларининг фаолиятига аралашини таъқиқланади.

Прокурорнинг байриқонуний қарор қабул қилишига эришиш ёки фаолиятини амалга оширишига тўсқинлик қилиш мақсадида унга қандай шаклда бўлмасин бирон-бир таъсир кўрсатилганлик, унинг дахлсизлигига таъовуз қилганлик, шунингдек прокурор ва терговчининг руҳсатисиз текширишлари ва дастлабки терговга доир маълумотларни ошкор этганлик, прокурорнинг талабларини бажармаганлик белгиланган тартибда жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

Прокуратура органларининг ходимлари ўз ваколатлари даврида сиёсий партияларга аъзоликни тўхтатиб турадилар.

7-модда. Прокуратура органларининг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлиги

Прокуратура органлари қонунийликни муҳофазатлаш, жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятида жамоатчилик билан ҳамкорликда ҳаракат қилади.

Прокуратура органлари ўз фаолиятида ошкораликни таъминлаш мақсадида:

қонунийлик ва жиноятчилик ҳолати тўғрисида жамоатчиликни мунтазам хабардор қилиб турадилар;

оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувлар ўтказадилар ва улар орқали ўз фаолиятини ёритадилар;

депутатларнинг ҳамда оммавий ахборот воситаларининг ёзма муножотларига қонунда белгилан-

ган тартибда ахборот тақдим этадилар.

Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари прокуратура органлари хайъатларининг ҳамда мувофиқлаштирувчи кенгашларининг йўналишларига тақлиф этилишлари мумкин.

8-модда. Прокурор талабларини бажаришнинг мажбурийлиги

Прокурорнинг ҳужжатлар, материаллар ва бошқа маълумотларни тақдим этиш, тафтиш, текширишлар ўтказиш, мутахассис ажратиш ҳақидаги, прокуратурага келиш ва аниқланган қонунбузарликлар хусусида тушунтиришлар бериш ҳамда қонунбузарликларни, бунга имконият яратётган сабаб ва шартларини бартараф этиш ҳақидаги, шунингдек қонунга риоя этиш тўғрисидаги талабларини бажариш барча фуқаролар ва юридик шахслар учун мажбурийдир.

Прокурорнинг талаблари устидан шикоят қилиниши уларнинг ихросини тўхтатиб қўймайди.

9-модда. Фуқароларнинг ариза ва шикоятларини ҳамда юридик шахсларнинг муножотларини қўриб чиқиш

Прокуратура органлари фуқароларнинг ариза ва шикоятларини ҳамда юридик шахсларнинг муножотларини, агар уларни қўриб чиқишнинг бошқа тартиби белгиланган бўлмаса, қўриб чиқадилар, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чора-тадбирларини кўрадилар.

Прокурор фуқароларни ва юридик шахсларнинг вакилларини шахсан қабул қилади.

Зарур ҳолларда прокурор ўзига келиб тушган фуқароларнинг ариза ва шикоятлари ҳамда юридик шахсларнинг муножотлари текширилиши тегишли давлат бошқаруви органлари, корхона, муассаса, ташкилотларнинг мансабдор шахсларига топиришига ҳамда улардан текширишга тааллуқли барча материаллар билан бирга текшириш натижалари тўғрисида ёзма ахборот тақдим этишни талаб қилишга ҳақлидир.

Фуқароларнинг ариза ва шикоятлари ҳамда юридик шахсларнинг муножотларини қўриб чиқиш натижалари бўйича прокурор тегишли қарор қабул қилади, бу қарор устидан юқори турувчи прокурорга шикоят қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан фуқаронинг ариза ва шикояти ёки юридик шахснинг муножоти юзасидан қарор қабул қилингандан кейин прокуратура органларида улар бўйича ишларни юритиш тугатилади, янги очилган ҳолатларга доир ҳоллар бундан мустаснодир.

10-модда. Қонунийликни таъминлаш ва жиноятчиликка қарши кураш фаолиятини мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар тегишли ички ишлар, миллий хавфсизлик хизмати, солиқ, божхона ва бошқа органларнинг қонунийликни таъминлаш ва жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган органлар фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида прокурор мувофиқлаштирувчи кенгаш қақиради ва унга раҳбарлик қилади, ишчи гуруҳлари тузади, зарур ахборот ва статистика маълумотларини талаб қилиб олади. Ўзбекистон Республикаси Президенти тасдиқлайдиган Қонунийликни таъминлаш ва жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш тўғрисидаги низомига биноан бошқа ваколатларни амалга оширади.

II БЎЛИМ.
ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ

11-модда. Прокуратура органларининг тизими

Прокуратура органларининг тизими қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси; Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокуратуралари;

туманлар, шаҳарлар прокуратуралари ҳамда туманлар прокуратураларига тенглаштирилган туманлар прокуратуралари;

вилоят прокуратураларига тенглаштирилган Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокуратураси;

туман прокуратураларига тенглаштирилган ҳарбий округлар, худудий ҳарбий, транспорт ва ихтисослаштирилган прокуратуралар.

12-модда. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси

Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасига Ўзе-

ПРОКУРАТУРА

кстон Республикаси Президенти томонидан беш йил муддатга тайинланган ва кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тасдиғидан ўтган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори раҳбарлик қилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тасдиғидан ўтадиган биринчи ўринбосари, ўринбосарларига ага бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори (раис), унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, прокуратура органларининг бошқа ходимларидан иборат таркибда хайъат тузилади. Хайъатнинг шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасида бош бошқармалар, бошқармалар ва бўлимлар тузилади. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг катта ёрдамчилари ва ёрдамчилари, бош бошқармалар, бошқармалар, бўлимларнинг бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари, катта прокурорлар, прокурорлар, алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчилар ва терговчилар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан тайинланадилар ва лавозимидан озод қилинадилар.

13-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори прокуратура органларига раҳбарлик қилади ва улар фаолияти устидан назоратни амалга оширади.

Бош прокурор:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва унинг органлари мажлисларида иштирок этади, шунингдек Олий Мажлисга қонунчилик ташаббуси билан муножот айтиши мумкин;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида иштирок этади;

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг мажлисларида иштирок этади ва қўрилаган масала юзасидан фикр билдиради;

давлат органларининг прокурор назорати амалга оширилмайдиган норматив ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига номувофиқлиги хусусида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига муножот айтиши мумкин;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми мажлисларида иштирок этади, қўрилаган ишлар бўйича ва муҳомама қилинмаётган масалалар юзасидан фикр билдиради, қонун ҳужжатларини қўллаш билан боғлиқ масалалар бўйича Пленум тушунтиришлар бериши хусусида тақлифлар киритади;

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленуми мажлисларида иштирок этади, муҳомама қилинмаётган масалалар юзасидан фикр билдиради, қонун ҳужжатларини қўллаш билан боғлиқ масалалар бўйича Пленум тушунтиришлар бериши хусусида тақлифлар киритади;

Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси хайъатининг таркибини тасдиқлаш тўғрисидаги тақлифларни Ўзбекистон Республикаси Президентига киритади;

прокуратура органлари ходимларига мансаб даражалари беради ва юқори мансаб даражалари бериш тўғрисидаги тақдимнома билан Ўзбекистон Республикаси Президентига муножот айтиши мумкин;

прокуратура органлари ходимларини Ўзбекистон Республикаси прокуратураси фахрий ходими кўкрак нишони билан тақдирлайди;

прокуратура органлари ходимларини Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотларига тақдим этади;

буйруқлар чиқаради, прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари ва таркибий бўлимларини тўғрисидаги низомиларни тасдиқлайди;

акратилган штат бирлиги ва маблағлар доирасида қўйи прокуратура органларини, бош бошқармалар, бошқармалар ва бўлимларни ташкил этади, ўзгартиради ва тугатади, Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси ва қўйи прокуратуралар таркибининг ҳамда штатларини тасдиқлайди, барча прокуратуралар ташкилий таркибий тузилиши ва ходимларнинг мансаб маошларини бюджетдан ажратилган пул маблағлари ва штат бирлиги доирасида белгилайди; чет эл давлатларининг тегишли органлари ва

халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳақида битимлар тузиши мумкин; қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

14-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ҳисобдорлиги

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдига ҳисобдордир. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Президентига қонунийлик ҳамда жиноятчиликка қарши курашнинг ҳолати тўғрисида мунтазам равишда, ўта оғир жиноятлар ва фақулдада ҳодисалар бўйича эса судлик билан шунингдек прокуратура органлари амалга оширган ишлар тўғрисида ҳар олти ойда ахборот тақдим беради.

Ўзбекистон республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳар беш йилда камидан бир марта ўз фаолияти ҳақида ҳисобот беради.

15-модда. Қорақалпоғистон Республикаси Прокуратураси

Қорақалпоғистон Республикаси Прокуратурасига Қорақалпоғистон Республикаси прокурори бошчилик қилади, у Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Ҳўқори Кенгеси томонидан беш йил муддатга тайинланади ҳамда худди шу тартибда лавозимидан озод қилинади.

Қорақалпоғистон Республикаси прокурори Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган биринчи ўринбосари ва ўринбосарларига ага бўлади.

Қорақалпоғистон Республикаси Прокуратурасида Қорақалпоғистон Республикаси прокурори (раис), унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари ва прокуратура органларининг бошқа ходимларидан иборат таркибда хайъат тузилади. Хайъатнинг шахсий таркиби Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан тасдиқланади.

Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг ёрдамчилари, бўлим катта прокурорлари ва прокурорлари, прокурор-криминалистар, алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчилар ва алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчилар, катта терговчилар ва терговчилар Қорақалпоғистон Республикаси прокурори томонидан тайинланадилар ва лавозимидан озод қилинадилар.

Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг ёрдамчилари, бўлим катта прокурорлари ва прокурорлари, прокурор-криминалистар, алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчилар ва алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчилар, катта терговчилар ва терговчилар Қорақалпоғистон Республикаси прокурори томонидан тайинланадилар ва лавозимидан озод қилинадилар.

Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг ёрдамчилари, бўлим катта прокурорлари ва прокурорлари, прокурор-криминалистар, алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчилар ва алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчилар, катта терговчилар ва терговчилар Қорақалпоғистон Республикаси прокурори томонидан тайинланадилар ва лавозимидан озод қилинадилар.

Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг ёрдамчилари, бўлим катта прокурорлари ва прокурорлари, прокурор-криминалистар, алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчилар ва алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчилар, катта терговчилар ва терговчилар Қорақалпоғистон Республикаси прокурори томонидан тайинланадилар ва лавозимидан озод қилинадилар.

Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг ёрдамчилари, бўлим катта прокурорлари ва прокурорлари, прокурор-криминалистар, алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчилар ва алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчилар, катта терговчилар ва терговчилар Қорақалпоғистон Республикаси прокурори томонидан тайинланадилар ва лавозимидан озод қилинадилар.

16-модда. Вилоятлар, Тошкент шаҳар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратуралар

Вилоятлар, Тошкент шаҳар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратураларга тегишли прокурорлар бошчилик қилдилар, улар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан беш йил муддатга тайинланадилар ва лавозимидан озод этиладилар. Улар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган биринчи ўринбосари ва ўринбосарларига ага бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратурасига лавозимга қўра Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари бўлиши Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори бошчилик қилади.

Вилоятлар, Тошкент шаҳар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратураларда прокурор (раис), унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари ва прокуратура органларининг бошқа ходимларидан иборат таркибда хайъат тузилади. Хайъатнинг шахсий таркиби тегишли прокурорнинг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан тасдиқланади.

ТЎҒРИСИДА

(Янги тахрири)

Вилоятлар, Тошкент шаҳар прокуратураларида ва уларга тенглаштирилган прокуратураларда бошқармалар ва бўлимлар тузилади. Бошқармалар ва бўлимларнинг бошлиқлари, прокурорларнинг катта ёрдамчилари, прокурорларнинг ички хавфсизлики таъминлаш бўйича ёрдамчилари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимидан озод қилинадилар.

Бошқарма, бўлим бошлиқларининг ўринбосарлари, катта прокурор-криминалистлар ва прокурор-криминалистлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг розилиги билан вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан тайинланадилар ва лавозимидан озод қилинадилар.

Вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорларининг ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг ёрдамчилари, бўлим катта прокурорлари ва прокурорлари, алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчилар ва алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчилар, катта терговчилар ва терговчилар вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан тайинланадилар ва лавозимидан озод қилинадилар.

17-модда. Туман, шаҳар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратуралар

Туман ва шаҳар прокуратуралари, шунингдек уларга тенглаштирилган прокуратураларга тегишли прокурорлар бошчилик қиладилар, улар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан беш йил муддатга тайинланадилар ва лавозимидан озод қилинадилар.

Туман, шаҳар прокурорлари, шунингдек уларга тенглаштирилган прокурорлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори билан келишган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари, уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан тайинланадиган ва лавозимидан озод қилинадиган ўринбосарларга эга бўлиши мумкин.

Туманлар ва шаҳарлар прокуратуралари, шунингдек уларга тенглаштирилган прокуратураларнинг катта ёрдамчилари, ёрдамчилари, катта терговчилари ва терговчилари, стажерлари тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан тайинланадилар ва лавозимидан озод қилинадилар.

18-модда. Прокуратура органларининг ҳайъатлари

Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасида, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокуратураларида ва уларга тенглаштирилган прокуратураларда тузиладиган ҳайъатлар масъулаёт органлари бўлиб, улар қонунийлик ва жиноятчиликнинг ҳолатига, прокуратура органларининг фаолиятига, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори буйруқлари ва кўрсатмаларининг ижросига, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйишга доир ва бошқа муҳим масалаларни кўриб чиқади, прокурорларнинг, прокуратура органлари тарихий бўлиминларини раҳбарларининг ва бошқа ходимларининг ҳисоботларини эшитади.

Тегишли ҳайъатлар мажлисларида вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, давлат текширув ва назорат органлари, қорхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг ҳамда ҳарбий қисм ва қўшмавлар командиранининг ҳамда бошқа мансабдор шахсларнинг қўнчлар ижроси масалалари юзасидан ахборот ва тушунтиришлари тингланishi мумкин.

III БЎЛИМ. ПРОКУРОР НАЗОРАТИ

1-боб. Қонунлар ижроси устидан назорат (умумий назорат)

19-модда. Назорат предмети

Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, қорхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳарбий қисмлар, ҳарбий идоралар, вазирлик ва идораларнинг ҳарбийлаштирилган тармоқ бўлиминлари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар, шунингдек фуқаролар томонидан қонунларнинг ижро этилиши назорат предмети ҳисобланади.

20-модда. Текшириш ўтказиш асослари

Қонунлар ижросини текшириш қонунийлик бузилганлиги тўғрисидаги аризалар ва бошқа хабарлар бўйича, асослар мавжуд бўлганда эса прокурорнинг шахсий ташаббуси билан ўтказилади.

21-модда. Прокурорнинг ваколатлари

Прокурор қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш жараёнида ўз ваколатлари доирасида:

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари, қорхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва ҳарбий қисмларнинг ҳудуди ва хоналарига монеликсиз киришга, ҳужжатлар ва материалларни кўришга, текширишлар ўтказишга;

текшириш учун қарорлар, фармойишлар, буйруқлар ва бошқа ҳужжатларни, қонунийликнинг ҳолати тўғрисида ва уни таъминлашга доир чора-тадбирлар ҳақидаги маълумотларни талаб қилишга;

давлат органлари, ҳарбий қисмлар, ҳарбий идоралар, вазирлик ва идораларнинг ҳарбийлаштирилган тармоқ бўлиминлари раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслардан улар назорати остидаги ҳамда бўйсунувдаги қорхоналар, муассасалар, ташкилотлар фаолиятини текшириш, тафтиш қилишни, идоравий ва ноидоравий текширишлар ўтказиш учун мутахассислар ақратишни талаб қилишга;

мансабдор шахслар ва фуқаролардан қонунбузарликка доир эзгаки ёки ёзма тушунтиришлар талаб қилишга ҳақлидир.

Қонун бузилиши аниқланган тақдирда прокурор қонун ҳужжатларида назарда тутилган чораларни кўришга мажбур.

Прокурорнинг ҳўжалик фаолиятига ва бошқа фаолиятга бевосита аралашувиغا, шунингдек идоравий бошқарув ва назорат органларининг вазибаларини баҳарлишига йўл қўйилмайди.

2-боб. Жиноятчиликка қарши курашни амалга оширувчи органлар томонидан қонунларнинг ижро қилиниши устидан назорат

22-модда. Назорат предмети

Жиноятлар тўғрисидаги аризалар ва хабарларни кўриб чиқув ҳамда ҳал қилиш ва терговни олиб боришнинг қонун ҳужжатларида белгиланган процессуал тартиби, қабул қилинаётган қарорларнинг қонунийлиги, шунингдек жиноятчиликка қарши курашга қаратилган бошқа қонунларнинг бажарилиши - жиноятчиликка қарши кураш органлари томонидан қонунларнинг ижро қилиниши устидан назорат қилиш предмети бўлади.

23-модда. Прокурорнинг ваколатлари

Жиноятчиликка қарши курашни амалга оширувчи органлар томонидан қонунларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш жараёнида прокурор ўз ваколатлари доирасида:

суриштирув ва дастлабки тергов органларидан текшириш учун жиноят ишларини, жиноятчиликка қарши курашга оид суриштирувнинг, тезкор-қидирув фаолиятининг ҳужжатлари ва материалларини ҳамда бошқа маълумотларни талаб қилади; содир этилган ёки тайёрланаётган жиноятлар ҳақидаги ариза ва хабарларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва ҳал этиш тўғрисидаги қонун талаблари ижро этилаётганлигини ҳар ойда камидан бир марта текширади;

терговчилар ва суриштирувчиларнинг ноқонуний ҳамда асосиз қарорларини бекор қилади; жиноятларни тергов қилиш, эҳтиёт чорасини танлаш, ўзгартириш ёки бекор қилиш, жиноят тавсифини белгилаш, ишда айбланувчи тарикасида иштирок этишга жалб қилиш, айрим тергов ҳаракатларини бажариш ва жиноят содир этиб яширинган шахсларни қидириш тўғрисида ёзма кўрсатмалар беради; суриштирув органларига фуқароларни ушлаш, мажбурий келтириш, қамоққа олиш, қидириш, тинтув ўтказиш, олиб қўйиш ва бошқа тергов ҳаракатларини бажариш тўғрисидаги қарорларни ижро этишни топширади; шунингдек прокурор ёки прокуратура терговчиси иш юритувида бўлган ишлар юзасидан жиноятларни очиб ва жиноят содир этган шахсларни аниқлаш учун зарур чоралар кўриш тўғрисида кўрсатмалар беради;

суриштирувда, дастлабки терговда иштирок этади ҳамда зарур ҳолларда ҳар қандай иш бўйича айрим тергов ҳаракатларини шахсан бажаради ёки терговни тўла ҳажмда амалга оширади; тергов ҳамда эҳтиёт чораси сифатида қамоқда

сақлаш муддатини узайтиради; ишларни суриштирув ва дастлабки тергов органларига қўшимча тергов ўтказиш тўғрисидаги ўз кўрсатмалари билан қайтаради;

ҳар қандай жиноят ишларини суриштирув органидан олиб терговчига, шунингдек, уни бир дастлабки тергов органидан бошқасига, бир терговчидан бошқасига беради;

суриштирувнинг ёки терговчинини, агар у ишни тергов қилиш чоғида қонун бузилишига йўл қўйган бўлса, суриштирувдан ёхуд дастлабки тергов ишларини давом эттиришдан четлатади;

қонунда назарда тутилган ҳолларда, тергов ҳаракатларини олиб борилишига санкция беради; жиноят ишларини қўзғатади ёки уларни қўзғатишни рад этади, ишларни тўғатади ёхуд ҳаракатдан тўхтатади;

қонунда назарда тутилган ҳолларда терговчинини ишни тўғатишга розилик беради; айблов юлосасини ёки қарорни тасдиқлайди, ишни судга юборади;

қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Прокурорнинг терговда текшириш ўтказиш, жиноят ишлари қўзғатиш ва тергов қилиш билан боғлиқ кўрсатмалари суриштирув ва дастлабки тергов органлари учун мажбурийдир.

24-модда. Прокуратура органлари томонидан жиноятларни тергов қилиш

Прокуратура органлари жиноят-процессуал қонунга биноан ўз ваколатларига берилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар юзасидан тергов ўтказадилар.

Прокурор ҳар қандай жиноят ишларини ўз иш юритувига олишга ёки ўзини буййсунувчи прокурорга топширишга, шунингдек биргаликда тергов ўтказиш учун прокуратура терговчилари, ички ишлар органлари ҳамда бошқа органларнинг терговчилари ва тезкор ходимларидан иборат тергов гуруҳини тузишга ҳақлидир.

3-боб. Ушлаб турилганларни, қамоққа олиналганларни сақлаш жойларида, жиноий жазолар ва бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя қилиниши устидан назорат

25-модда. Назорат предмети

Назорат предмети қуйидагилар ташкил этади: ушлаб турилганларни, қамоққа олиналганларни сақлаш жойларида, жиноий жазолар ва бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этишчи муассасаларда шахсларни сақлашнинг қонунийлиги;

ушлаб турилганларни, қамоққа олиналганларни сақлаш, жиноий жазоларни ва бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро қилиш тартиби ва шароитлар ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этилаётганлиги;

ушлаб турилганлар, қамоққа олиналганлар, мажбурий келтириш, қамоққа олиш, қидириш, тинтув ўтказиш, олиб қўйиш ва бошқа тергов ҳаракатларини бажариш тўғрисидаги қонун талаблари ижро этилаётганлиги;

жиноят-ижроия қонун ҳужжатларини қўллаётган орган ва муассасалар, мансабдор шахслар фаолиятида қонун ҳужжатларига риоя этилаётганлиги.

26-модда. Прокурорнинг ваколатлари

Прокурор ушлаб турилганларни, қамоққа олиналганларни сақлаш жойларида, жиноий жазолар ва бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя этилиши устидан назоратни амалга ошира бориб, ўз ваколатлари доирасида:

ушлаб турилганларни, қамоққа олиналганларни сақлаш, қамок, интнзомий қисмга жўнатиш, озодликдан маҳрум этиш тарикасидаги жазоларни ижро этиш жойларига, тиббий йўсиндаги мажбурилов чораларини ижро этишчи муассасалар ва воёга етмаганларнинг махсус ўқув-тарбия муассасаларига монеликсиз ва исталган вақтда ҳамма хоналар билан танишиш шарти билан киришга, шахсларга нисбатан ушлаб туриш, қамоққа олиш, шунингдек жиноий жазо ёки бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилишига асос бўлган ҳужжатлар билан танишишга;

ушлаб туриш, қамоқда сақлаш жойларида, қамок, интнзомий қисмга жўнатиш, озодликдан маҳрум этиш тарикасидаги жазоларни ижро этиш муассасаларида, тиббий йўсиндаги мажбурилов чораларини ижро этишчи муассасаларда, воёга етмаганларнинг ўқув-тарбия муассасаларида ноқонуний равишда сақлаб турилган шахсларни дархол озод қилишга; агар қамоқда сақланаётган, қамоққа олишга, интнзомий қисмга жўнатишга, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга нисбатан қўлланилган интнзомий жазо чоралари қонунга мувофиқ бўлмаса, уларни бекор қилишга ва ўз қарори билан бундай

шахсларни интнзомий бўлиналардан дархол озод қилишга;

ушлаб турилганлар, қамоққа олиналганлар, мажбурий келтириш ва бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилган шахсларни ушлаб туриш, қамоқда сақлаш, жазо ва бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этишчи органлар ҳамда муассасаларнинг вакиллари иштирокида ҳам, яқма ҳолда ҳам суриштиришга;

ушлаб туриш, қамоққа олиш, жазо ва бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этишчи органлар ва муассасалар маъмуриятларининг буйруқлари, фармойишлари ва қарорлари, тезкор-қидирув тадбирларининг қонунга мувофиқлигини текширишга;

ушлаб турилганлар, қамоққа олиналганлар, мажбурий келтириш ва бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этишчи органларнинг ҳуқуқларини таъминлайдиган шароитлар яратилишини ушлаб туриш, қамоқда олиш, жазо ва бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этишчи органлар ҳамда муассасалар маъмуриятдан талаб қилишга;

жиноий жазоларни ижро этишчи муассаса бошлигининг маҳмуларга фавулдода ҳолатларга кўра муассаса ташқарисига чиқишга рухсат бериш тўғрисидаги, ўн саккиз ёшга тўлган маҳмуни тарбия колониясида қолдириш тўғрисидаги, маҳму аёлларнинг жиноятни ижро этиш муассасаси ташқарисига яшати тўғрисидаги қарорларни тасдиқлашга ҳақлидир.

4-боб. Судларда ишларнинг кўриб чиқилишида прокурорнинг ваколатлари

27-модда. Судларда ишларнинг кўриб чиқилишида прокурорнинг иштироки

Прокурор қонунда назарда тутилган ҳолларда ишлар судларда кўриб чиқилишида иштирок этади. Прокурор судда далил-исботлар ўрганилишида иштирок этади, қонуннинг қўлланишига доир ўз фикрини баён этади.

Ишлар судларда кўриб чиқилаётганда иштирок этаётган прокурорнинг ваколатларини процессуал қонунлар билан белгиланади.

Прокурор суд жараёнининг бошқа иштирокчилари билан тенг ҳуқуқлардан фойдаланиб, судьяларнинг мустақиллиги, уларнинг фақат қонунга буййсунуши принципига қатъий риоя этиши, ўз фаолияти билан одил судловни амалга оширишга қўмақлашиш шарт.

28-модда. Суд қарорларига протест келтириш

Прокурор процессуал қонунда белгиланган тартибда ўз ваколатлари доирасида суднинг ҳукмига, қарори, ажрими ва ҳал қилув қарорига протест келтиришга ҳақлидир.

29-модда. Ишларни суддан талаб қилиб олиш ва қақриб олиш

Прокурор ўз ваколатлари доирасида суднинг қонуний қучга кирган ҳукми, қарори, ажрими ва ҳал қилув қарори билан боғлиқ ҳар қандай ишни суддан талаб қилиб олиш ҳуқуқига эгадир. Прокурор ёки унинг топширишига биноан прокуратура органларининг бошқа ходимлари судларда ҳар қандай тоифадаги бундай ишларни ўрганиб чиқиш ҳуқуқига эга.

Прокурор суднинг чикарган ҳукми, қарори, ажрими ва ҳал қилув қарорига қонунга номувофиқлигини кўрса, уларга протест келтириш, агар бу унинг ваколат доирасига кирмайди бўлса, протест келтириш тўғрисидаги тақдимнома билан юқори турувчи прокурорга мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

Айблалш фикрини тасдиқлаган прокурор ёки юқори турувчи прокурор жиноят ишларини у судда кўриш учун тайинланганга қадар суддан қақриб олиш ҳуқуқига эгадирлар.

30-модда. Протестларни ўзгартириш, тўлдириб, қақриб олиш

Қарор, ҳукм, ажрим ва ҳал қилув қарорига нисбатан берилган апелляция, кассация, ҳусусий ва назорат тартибидagi протест ишни судда кўриб чиқиш бошлангунга қадар протест келтирган прокурор, шунингдек юқори турувчи прокурор томонидан ўзгартирилиши, тўлдирилиши ёки қақриб олиниши мумкин.

IV БЎЛИМ. ПРОКУРОР НАЗОРАТИ ҲУЖЖАТЛАРИ

31-модда. Прокурор назорати ҳужжатларининг турлари

Протест, қарор, тақдимнома, ариза, аямнома ва огоҳнома прокурор назорати ҳужжатларидир.

(Давоми 6 - бетла.)

ПРОКУРАТУРА

(Бошланғичи 4-5 - бегларда.)

32-модда. Протест

Прокорур қонунга зид бўлган норматив ҳужжатга нисбатан ана шу ҳужжатни чиқарган органга ёки унинг юқори турувчи органига протест келтиради. Мансабдор шахнинг ноқонуний ҳарорига нисбатан ҳам худди шундай тартибда протест келтирилади.

Протест келиб тушган вақтдан бошлаб ўн кунлик муддатдан кейинги кунда протестнинг қарорини қилиши шарт. Қонун бузилганлигини дарҳол бартараф этиш талаб қилинган алоҳида прокурор протестни қўриб чиқишнинг қисқартирилган муддатини белгилаш ҳақлидир. Протестни қўриб чиқиш натижалари тўғрисида ўн кун муддат ичида прокурорга ёзма равишда маълум қилинади.

Протест коллегиял орган томонидан қўриб чиқилган ҳолларда мажлис куни прокурорнинг маълум қилинади ва у мажлисда иштирок этишга ҳақлидир.

Протест шу ҳужжатни чиқарган орган (мансабдор шахс) ёки юқори турувчи орган (мансабдор шахс) томонидан рад этилган, шунингдек протест қонунда белгиланган муддат ичида қўриб чиқилмаган тақдирда, прокурор ана шу ҳужжатни ноқонуний деб эътибор этиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этишга ҳақли. Судга ариза протест рад этилганлиги тўғрисидаги хабар олинган пайтдан бошлаб бир ойлик муддат ичида ёки уни қўриб чиқиш учун қонунда белгиланган муддат ўтганидан кейин берилиши мумкин.

Прокорур томонидан судга ариза берилиши протест келтирилган ҳужжатнинг амал қилишини у судда қўриб чиқилгунга қадар тўхтатиб қўяди.

33-модда. Қарор

Прокорур мансабдор шахс ёки фуқаро томонидан содир этилган қонунбузарликнинг ҳусусиятига қараб жиноятиши, маъмурий ёки интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақида қарор қабул қилади. Прокорур қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам қарор чиқаради.

Маъмурий ёки интизомий жавобгарлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш ҳақидаги прокурорнинг қарори орган ёки мансабдор шахс томонидан у келиб тушган кундан бошлаб ўн беш кун ичида қўриб чиқиши шарт. Уни қўриб чиқиш натижалари ҳақида прокурорга зудлик билан ёзма равишда маълум қилинади.

34-модда. Тақдимнома

Прокорур қонуннинг бузилишига, ана шу қонунбузарликларнинг келиб чиқиш сабабларига ва буларга имконият яратган шарт-шароитларга барҳам бериш тўғрисидаги тақдимномани қонун бузилишини бартараф этиш ваколатларига эга бўлган органга ёки мансабдор шахсга киритади.

Тақдимнома дарҳол қўриб чиқиши ва қўрилган чора-тадбирлар тўғрисида бир ойлик муддат ичида прокурорга ёзма равишда маълум қилиниши лозим.

Тақдимнома коллегиял орган томонидан қўриб чиқилган ҳолларда мажлис куни прокурорга маълум қилинади ва у мажлисда иштирок этишга ҳақлидир.

35-модда. Ариза

Прокорур фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадир.

Прокорурнинг аризаси суд томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда қўриб чиқилади.

Прокорур аризасидан давлат божи ундирилмайди.

36-модда. Амрнома

Амрнома қонун бузилганлиги аққол кўзга ташланган ва бу фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига хиддий зарар етказиши мумкин бўлган ҳолларда киритилади.

Қонун бузилишини бартараф этиш тўғрисидаги амрнома прокурор томонидан ана шу қонунбузарликка йўл қўйган органга ёки мансабдор шахсга ёхуд қонун бузилишини бартараф этиш ваколатларига эга бўлган органга ёки мансабдор шахсга юборилади.

Амрнома дарҳол бажарилиб, бу ҳақида прокурорга хабар берилиши шарт.

Орган ёки мансабдор шахс амрномадаги талабдан норози бўлган тақдирда амрнома устидан юқори

турувчи прокурорга шикоят қилиши мумкин ва прокурор шикоятни уч кунлик муддатда қўриб чиқишга мажбур. Шикоят қилиниши амрнома қирсини тўхтатмайди.

37-модда. Огоҳнома

Прокорур фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқлари ва манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган қўриқилган хатти-ҳаракатлар тайёрланаётганлиги ҳақида аниқ маълумотларга эга бўлганда ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш мақсадида мансабдор шахслар ва фуқароларга қонунбузарликка йўл қўйиб бўлмаслиги ҳақида ёзма огоҳнома билдиради, шунингдек уларга ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун қонунда белгиланган жавобгарликни тушунтиради.

Огоҳнома тўғрисида прокурор юқори турувчи органга (ташкilotта), шунингдек огоҳлангиларнинг шахсини ишлаш, ўқиш жойи бўйича маъмуриятга (иш берувчига) ёки яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига маълум қилиши мумкин.

V БЎЛИМ.

ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИНИНГ ХОДИМЛАРИ

38-модда. Прокоратура органларида лавозимга тайинланадиган шахсларга нисбатан қўриқилган талаблар

Прокоратура органларида прокурор, терговчи ва стажер лавозимига олиб юридик маълумотга эга, зарур касбий фазилатлари бўлган, соғлиғига қўра зиммаларига юкланадиган хизмат вазифаларини бажаришга қодир Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари тайинланадилар.

Прокорур ва терговчи лавозимига биринчи марта тайинланаётган шахслар қасамд қабул қиладилар. Қасамд матни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар, шаҳарлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар лавозимига йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган шахслар тайинланади.

Прокоратура органлари ходимлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори белгилайдиган тартибда аттестациядан ўтказилиши лозим.

Прокоратура органлари ходимлари илмий, педагогик ва ижодий фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа бирон бир фаолият тури билан шуғулланишлари мумкин эмас.

39-модда. Прокоратура органлари ходимларининг мансаб даражалари ва ҳарбий унвонлари

Прокоратура органлари ходимларига эгаллаб турган лавозимлари ва меҳнат стажига мувофиқ мансаб даражалари ёки ҳарбий унвонлар бериледи.

Мансаб даражалари бериш ва улардан маҳрум этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларида хизмат ўташ тартиби тўғрисидаги Низом билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси органлари ходимларига ҳарбий унвонлар бериш ва уларни бундай унвонлардан маҳрум этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси тўғрисидаги Низом билан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қўролли Кучларининг уставларида белгиланади.

40-модда. Прокоратура органлари ходимларининг дахлсизлиги

Прокоратура органлари ходимлари давлат ҳимоясида бўладилар ва хизмат дахлсизлигига эгадирлар.

Прокоратура органлари ходимига нисбатан жиноят ишнни қўзғатиш ва тергов олиб бориш юқори турувчи прокурорнинг розилиги билан амалга оширилади ва бу прокуратура органларининг мутлақ ваколати ҳисобланади.

Прокорурлар ва терговчилар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўқотар қурол ҳамда бошқа шахсий ҳимоя воситалари олиб юриш ҳуқуқига эга.

41-модда. Прокоратура органлари ходимларининг моддий ва ижтимоий таъминоти

ТЎҒРИСИДА

(Янги тахрири)

Прокоратура органлари ходимларининг иш ҳақи мансаб маошидан, мансаб даражалари (ҳарбий унвонлар), кўп йиллик хизмати учун тўланадиган устама ҳақлардан иборат бўлади.

Мансаб даражаларига эга бўлган прокуратура ходимлари белгиланган меъёрлар бўйича бепул хизмат кийими билан таъминланадилар.

Прокоратура органлари ходимларига ҳар йили муддати ўттиз календарь кундан иборат ҳақ тўланадиган таътил бериледи, шунингдек ўн йилдан кўпроқ иш стажига эга бўлганларга муддати қуйидагига бўлган қўшимча таътил бериледи:

ўн йилдан кейин - беш календарь кун;
йигирма йилдан кейин - ўн календарь кун;
йигирма беш йилдан кейин - ўн беш календарь кун.

42-модда. Прокоратура органлари ходимларининг ҳамда уларнинг оила аъзоларининг ижтимоий ҳимоялаш чоралари

Прокоратура органлари ходимларининг ҳаёти ва соғлиғи давлат ҳимоясида бўлади ва республика бюджетни маблағлари ҳисобидан давлат томонидан мажбурий тартибда суғурталаниши лозим.

Давлат суғурта органлари қуйидаги ҳолларда суғурта суммаларини тўлайдилар:

прокуратура органлари ходими ишлаётган даврида ёки прокуратура органларидан бўшатиладиган кейин ҳалок бўлса (вафот этса), агар бу ҳол у ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан олган тан жароҳатлари ёки соғлигининг бошқача шикастланиши оқибатида рўй берган бўлса, унинг меросхўрларига - унинг эллик ойлик иш ҳақи миқдориди;

прокуратура органлари ходими ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан келгусида касбига доир фаолият билан шуғулланиш имкониятини истисно этадиган даражада майиб бўлиб қолса ёки унинг соғлиғига бошқача шикаст етказилганда - унинг йигирма беш ойлик иш ҳақи миқдориди;

прокуратура органлари ходими ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан касбига доир фаолият билан шуғулланиш имкониятини истисно этайдиган ва меҳнат қобилиятини доимий йўқотишга олиб келмайдиган тан жароҳатлари ёки унинг соғлиғига бошқача шикаст етказилганда - унинг беш ойлик иш ҳақи миқдориди.

Прокоратура органлари ходими ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан келгусида касбига доир фаолият билан шуғулланиш имкониятини истисно этадиган даражада майиб бўлиб қолганда ёки унинг соғлиғига бошқача шикаст етказилганда мажбурий давлат суғуртаси бўйича олинган тўловларни ҳисобга олманган ҳолда унга иш ҳақи ва тайин этилган пенсия ўртасидаги фарқ ҳар ойда тўлаб борилади.

Прокоратура органлари ходими ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан олган тан жароҳатлари ёки унинг соғлиғига бошқача шикаст етказилиши оқибатида ҳалок бўлса (вафот этса), унинг қарамоғида бўлган меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоларига вафот этган шахс иш ҳақининг уларнинг ҳиссасига тўғри келадиган қисми ва боқувчисини йўқотганлиги муносабати билан уларга тайинланган пенсия ўртасидаги фарқ ҳар ойда, мажбурий давлат суғуртаси бўйича олинган тўловларни ҳисобга олманган ҳолда тўланади.

Прокоратура органлари ходимининг хизмат вазифаларини бажариши билан боғлиқ тарзда унга тегишли мол-мулкнинг йўқ қилиш ёки унга шикаст етказиш оқибатидаги зарар унга ёки унинг оила аъзоларига тўлалигича қопланади.

Ушбу модданин иккинчи, учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган зарарни қоплаш бўйича тўловлар республика бюджетни маблағлари ҳисобидан амалга оширилиб, кейинчалик улар айбдор шахслардан қонунда белгиланган тартибда ундириб олинади.

43-модда. Прокоратура органлари ходимларининг рағбатлантириш ва уларнинг интизомий жавобгарлиги

Прокоратура органлари ходимларини рағбатлантириш ҳамда интизомий жавобгарликка тортиш тартиби Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларида хизмат ўташ тартиби тўғрисидаги Низом билан белгиланади.

VI БЎЛИМ.

ЯКУНЛОВЧИ ҚОНДАЛАР

44-модда. Ўзбекистон Республикаси Прокоратурасининг муассасалари ва ташкilotлари

Ўзбекистон Республикаси Прокоратураси илмий тадқиқотлар ўтказиш, прокуратура органлари ходимларининг малакасини ошириш мақсадларида белгиланган тартибда идоровий илмий муассасалар ва ўқув юрталарини ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Прокоратураси нашриётлар, матбаа корхоналари тўзиши ва даврий нашрлар ҳамда махсус адабиёт чоп этиши мумкин.

45-модда. Прокоратура органларини молиялаштириш ва уларнинг моддий-техникавий таъминоти

Прокоратура органларини молиялаштириш ва уларнинг моддий-техникавий таъминоти марказлаштирилган тартибда республика бюджетни ҳисобидан амалга оширилади.

46-модда. Прокоратура органларининг муҳри

Ўзбекистон Республикаси Прокоратураси ва унга бўйсунадиган прокуратуралар, илмий-ўқув юрталари ва бошқа муассасалар, корхоналар юридик ҳисобга олиниб, Ўзбекистон Республикаси давлат гербининг тасвири ва ўз номи туширилган муҳрга эга бўладилар.

47-модда. Ушбу Қонунда қўлланилган айрим атамаларнинг талқини

«Прокоратура органлари ходимлари» деган атамани замирида прокуратура органлари ва муассасаларининг мансаб даражаларига (ҳарбий унвонларга) эга бўлган барча ходимларини, шунингдек прокуратура стажерларини тушуниш керак.

6, 8-моддалардаги, 9-модданин иккинчи қисмидаги, 20, 21-моддалардаги, 26-модданин иккинчи, бешинчи, олтинчи, еттинчи қисмларидаги, 27-моддадаги, 38-модданин биринчи, иккинчи, тўртинчи қисмларидаги, 40-моддадаги «прокурор» деган атамани замирида ўз ваколатлари доирасида иш олиб бораётган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, барча кўйи прокурорлар, уларнинг ўринбосарлари, бош бошқарма, бошқарма ва бўлимларнинг бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари, бош бошқарма, бошқарма ва бўлимларнинг катта ёрдамчилари, ёрдамчилари, катта прокурорлари ва прокурорларини тушуниш керак.

23-модда биринчи қисмининг биринчи, учинчи, тўртинчи, ўн иккинчи хатбосиларидаги, иккинчи қисмидаги «прокурор» деган атамани замирида ўз ваколатлари доирасида иш олиб бораётган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, барча кўйи прокурорлар, уларнинг ўринбосарлари, бош бошқарма, бошқарма ва бўлимларнинг бошлиқлари, уларнинг ўринбосарларини тушуниш керак.

9-модданин учинчи ва тўртинчи қисмларидаги, 10-моддадаги, 24-модданин иккинчи қисмидаги, 26-модданин учинчи, тўртинчи, саққизинчи хатбосиларидаги, 28, 29, 30, 32, 33, 34, 35, 36, 37-моддалардаги «прокурор» деган атамани замирида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар, шаҳарлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар, шунингдек уларнинг ўринбосарларини тушуниш керак.

Қонун лойиҳасига доир тақлиф ва мулоҳазаларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси номига қуйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз:

700035, Тошкент шаҳри,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси.

Телефонлар: 1398656; 1398574

ЧИГАЛ ТАҚДИРААР

Йигит кетгур, қачон сенга ақл қиради-а, қачон? Бибиҳон опа ўглини қарғай-қарғай ичкарига кириб кетди. Биласи ўлгур бизнес қилман деб қарз кўтарди-да, ҳеч иш қилмай пулни еб-ичиб тугатди. Яйнадиди, ёлворадиди, уришадиди, фойдаси йўқ. Ҳаётида кетма-кет учра-ётган фожеаларнинг сабабини ўйлаб сиқилади, жўяли жавоб тополмайди, гоҳ худонинг қаҳри қаттиқлигидан кўрса, гоҳ ҳамма айбни эрига тўнкарди. Эри ўттиз йилча қурилишда ишлади. Қуни бўйи ишда бўлар, кечаси чарчаб келиб, ухлаб қоларди, болалари билан бирон марта гаплашиб ўтирган эмас. Ўзи ҳам болаларни тўқ қўйсанг, эгинчи бутласанг, мана шу тарбия деб ҳисоблар, ортиқча гап-сўз қилмасди. Мана, энди биронтаси айтганини қилмайди, ҳаммаси ўзи бўлган «гўрўгли». Сизларни зўрга катта

Ўзи ҳам эри билан шундай аҳил бўлгиси келиб қолар, эрига яхши сўзларни айтишни ўйлар, мўъжизавий муҳаббат ҳақида орзу қиларди. Бирок булар фақат хаёлда кечар, эрининг тер ҳиди анқиган гавдаси кўриниши билан хаёл ўрнини ижирганишлар, қарғишлар эгаллаб олар, арзиманган гап-сўзларнинг охири катта жанжалга сабаб бўларди. Ҳаммасига эрим сабабми, агар у замонавий бўлганида, гап-сўзларга тўшунганида, биз ҳам яхши яшардик, деб ҳисобларди у. Худойим-а, шу ҳам яхши хотира бўлдики? Наҳотки, ҳаётида бирон қувончли воқеа рўй бермаган бўлса? Ўйлаб қараса, ҳақто болаларининг тўйлариди ҳам тўшунмовчилик оқибатиди қандайдир моҳаролар бўлиб ўтган экан... Тўғри, уч-тўрт марта яхшигина бийиб ҳам олишди. Ўшанда ҳам ҳар ким ҳар тарафга торт-қилаб пулнинг

қарғарди энаси. Кўчигиз қарғишга етибди-да, қўлингиздан келса ўғлингизга айтиб беринг, дея чўқиб оларди Бибиҳон. Ўша йиллари «Ужак олма» деган мато урф бўлди. Ҳамма қишлоқ аёллари ундан қўйлак кийишди. Матога Бибиҳоннинг ҳам қўнгли кетди. Ҳар қанча ялинмасин, йиғламасин, эри унга овермади. Ваҳоланки, ўша кезлари қурилишда яхшигина маош тўлашар, эрининг чўнтаги ҳаммиша пулга тўлиб юрарди. Аламига чидаёлмаган Бибиҳон қайнонаси совга қилган зиракни қўшни хотинга сотиб, пулига учта қўйлак олди. Жанжалнинг қаттаси шундан кейин бўлди. Қайнона Бебош қўнглига тарбия бериб қўйишни ўғлидан талаб қилди. Сержаҳл ўғил хотинини калтаклаганидан кейин, дўхтирхонада етиб доволанди. Онаси куёвини суд-

габ туришини айтмаганда, ҳеч ким у ҳақда ҳеч нарса сезмайдигандек эди. Бир қуни қайсидир қўшнисини унга ғалати гап айтиб қолди. Эмиш-ки, қайнонаси ёшлиғида янғаси билан уришиб қолган, аламини олиш учун ўртоқларининг бирига эркак кишининг номидан хат ёзиб, хатни ақасининг чўнтагига солиб қўйган. Ишқий саргузаштлар баённини ўқиган ақаси хотинини ҳайдаб юборган экан. — Қилган тўхмати бурнидан чиқиб, азобини тортиб ўтирибди, хиёнат қанақа бўлишини энди билдим, бироқ исботим йўқ, индаёлмайман, деб йиғлайди нуқул, — бошини чайқади қўшниси. Бибиҳоннинг юзига бир қизил югуриб олди-ю, аммо тезгина гапни айлантирди. Бир ҳисобда қўшнисининг ҳикояси Бибиҳонга яхши ҳам бўлди. Болалари улғайган қанонасининг тўхматчилиги ҳақида кўп ўқирди. Сиримни билиши ва сотиши мумкин деб ҳисоблаган кишиси Борки, ҳаммасини кимлардир қилган ёмонликларини топиб, ўғилларига тез-тез ҳикоя қилаётган бўлди. Ўзининг бутун умр азоб чекиб яшаганиги, эрининг қалтакларидан қолган оғир меҳнатга ярамай қолганиги оқибатда арзиманган маошга фаррош бўлиб ишлаганлигини кўзда ёш билан гапирди берди. Айтганлари таъсир қилиб ўғиллари отасига ва унинг қариндошларига бемехр бўлиб ўсишди. Хўжайин болалари олдиди беҳурмат бўлиб, Бибиҳон оланинг тутимлари б ўйича рўзгор тебратила бошлади. Оилали бўлишгач эса ҳар ким ўз йўлидан кетди.

Қайнонасининг, директорнинг, қўшнининг вафоти ҳам кўп вақтлар ўтди. Тўрт ўғли уйланиб, уйлajoйли бўлишди. Лекин уларнинг ҳаммаси ақлсиз бўлиб қикди. Биринчи ўғли гапини толиб гапиролмай, ҳаммадан дашмон эшитиб юрди. Иккинчи ўғли ҳеч қаерда ишлашни истамайди. Учинчиси, ҳар қуни ичади. Тўртинчиси ҳаммасида ноқас қикди. Ичкилиб, муаммосиз кун йўқ. Бибиҳон оланинг боши айланмиб кетди. Отасининг ноўрин ичган қасами, қайнонасининг тўхмати, ўзининг хиёнатиди, болаларининг ноқобиллиги... Наҳотки булар ростданам бирига бoғлиқ бўлса... Ҳали у англаб етмаган яна қандай сабаблар, ҳақиқатлар бор ҳаётининг чигаллашувида... Аёл юрагини чангаллаб ўрнidan турди. Шу бугун нимадир бўлагидек туюлаверди...

Муҳаббат ТУРАБОВА,

журналист

ЗИЛЗИЛА ОҚИБАТЛАРИ

Шу кунларда дунёнинг кўплаб давлатларидан Сальвадор сари интилган кўтарқувчиларни бир максад - шанба қуни юз берган зилзиладан жаблланганларга кўмак бериш истаги бирлаштириб турибди. Вайроналар остида қолганлар орасида ҳали ҳаёт бўлганларини имкон қадар тезроқ қидириб топиб ва кўтариб қолишга барча қуч-имкониятлар йўналтирилмоқда.

Зилзила оқибатида мамлакатда иссиқ, дараксиз йўқолганлар сонини ҳозирча 1200 нафар деб тахмин қилинмоқда. Зилзиладан мамлакатнинг Лас-Коленас шаҳри энг кўп талафот қўрган. Бу ерда 400га яқин уй қўқчи остида қолиб кетган. Сальвадор ҳукумати ҳозирча қурбонлар сонини 381 та деб қўрсатмоқда. Ушбу зилзила кун 12 баллик Рихтер шкаласига кўра 7,6 баллдан 7,9 баллгача етган.

Кўтарқувчиларнинг куну тун тиним билмай ишлаши натижасида Лас-Коленасдаги вайроналар остидан 127 жасад қовлаб олинди. 3 нафар одамнинг тиррик ҳолатда кўтарилиши эса уларнинг қариндошлари ва кўтарқувчиларга маънавий далда бўлди.

Кўтарқувчилар ўз уйининг вайроналари остида ҳозирча жон сақлаб турган 21 ёшли йигитчани ҳам имкон қадар тезроқ қовлаб олишга интиломоқдалар.

Лас-Коленас шаҳари аҳолисининг айримлари қўчкилар сабаби деб бу ерда қурилиш объектларининг қўпчилигини қўрсатишмоқда. Янги-янги биналарнинг қурилавериши оқибатида қия ерлар мустаҳкамчилигини йўқотган.

Ер силкиниши Сальвадорга қўшни бўлган Гондурас, Мексика, Коста-Рика, Никарагуа каби давлатлар ҳудудиди ҳам қайд этилган. Гватемаланинг Сальвадор чегараларидан узоқ бўлмаган Ялпатаку шаҳрида эса зилзила оқибатида 2 киши нобуд бўлганлиги ҳақида хабарлар бор.

Орадан деярли бир сутка ўтган такрорий ер силкиниши Сальвадорнинг барча ҳудудларида рўй берди. Уйларига қиришга ботинолмай қолган аҳоли ҳали ҳам қучи ер силкиниши пайтидаги дахшатини унутлолмапти. Талофот қўрган шаҳардаги мактаб ва бошқа идоралар эвакуация қилинди. Президент Франсиско Флорес мамлакатда фақуллода ҳолат эълон қилиб, халқро ҳамжамиятга табиий офат оқибатларини бартафат эттишда ёрдам беришни сўраб мурожаат қилди. Яқинда қуни тонданок мексикалик кўтарқувчилар гуруҳининг бўлиналари етиб келди. Мексика вакилларидан кейин Тайван ҳукуматининг 30 нафар кўтарқувчи ҳам мамлакатда ҳозир бўлдилар. Испанияда эса Сальвадорга 75 нафар ўт ўчирувчи ўргатилган 24 ити билан етиб келишди. Швейцария ҳам озик-овқат ва дори-дармон юклаган самолётларини Марказий Америка сари йўллади.

Хорижий давлатлардан ёрдам келиши ҳали ҳам давом этмоқда. INTERNET хабарлари асосида Ф. МАМАШАРИПОВ тайёрлади.

ИНОБАТГА ОЛИНМАГАН САБАБЛАР

қилганман деса, тўғманг эди, дейишди... Хаёллардан боши гангиб, кўзи илинбди. Бир пайт нимадандир безовталаниб ўйонди. — Нима бўлди, эна, — унинг чинқирғини эшитиб қўрқиб кетган келини югуриб келди. — Бир пиёла муздек сув бер, болам, — Бибиҳон опа ҳансираб нафас оларди. Сув ичган, бошини деворга суяди. Кўргани тўшумиди ё ўнгида бўлдики? «Сенинг отанг Қурьонни бетаҳорат ушлаган...» Салчиб тушди. Эслагиси келмади, эсласа манзара такорланадигандай туюлиб, хаёлини чалғитмоқчи бўлди. Ўйлашга бирон-бир яхшироқ мавзу излади. Қачонлардир китоб ўқишни яхши кўрарди. Ёшлиғида ўқиган бир ҳикоя узоқ вақт хотира-сида муҳрланиб қолганди.

Ҳозир номиям, муаллифиям эсида йўқ. Ҳикоя қаҳрамонлари бўлган эр-хотин бир-бирини жонидан ортиқ яхши кўришар, муҳаббатлари тўфайли турмуш қийинчиликларини енгиб яшашарди. Муҳаббат ўй-сизлик, очлик, пулсизликдан ғўлиб келарди. Тўйларининг бир йиллиги қуни улар бир-бирига сирли сувга қилмоқчи бўлишди. Совгага полга топишолмайди. Аёл узун сочларини сотиб, эрининг занжирсиз соатига занжир, эр эса занжирсиз соатини соати хотинининг узун сочларига тўгнончулар олади... Улар қанчалар бахтиёр, ҳавас қиларди Бибиҳон.

баракаси бўлмади. Тавба... Кўз олдиди пайдо бўлган суврат хаёлини парча-парча қилиб юборди. «Сенинг отанг Қурьонни бетаҳорат ушлаган...» Қайнонаси тириклигида ҳам бу гапни кўп такрорлар, «Асли худо урганнинг қизисан» деб кўярди. Бибиҳон «Нима қилибди бетаҳорат ушлаган бўлса», деб ҳисобларди. Қайнонасининг гапини онасига айтганида онаси кўл силтади: — Э, у гапираверади. Ишонасида қандайдир пуллар ўғирланган, шунда ҳамма Қурьонни ушлаб қасам ичган, отанг ҳам одамга таҳорат шартмас деганда ҳаммадан бурун қасам ичиб юборган. Отанг ўша кун аварияга учраб, чап оёгини кесиб ташлашди. Одамлар бунни Қурьонни бетаҳорат ушлагани билан боғлашди. Бу шунчаки тасодиф бўлган аслида...

Яна қайнонасининг гаплари эсига тўшиди. «Илоҳо сирларинг болаларинг буй етган ғўш бўлсин, улар олдиди юзи қаро бўлгaysан, деб

қа берди. Қайнонаси билан ёлвора-ёлвора аранг сулҳ тузди. Шу-шу энаси уни эрига ёмонласмас, жаҳли чикқанида қараб кўярди.

Оиладагиларнинг кўржи қолишгани Бибиҳоннинг қадамларига эрк берди. Тез орада далада ишлаб ўлар бўлдим деб мактабга фаррош бўлиб ишга жойлашди. Ёшигина келинча мактаб директорининг кўнглидан урди. Директорнинг илик муомалалари Бибиҳонга хуш ёқди, қай тарзда муносабатлари қўққлашиб кетганлигини сезмай ҳам қолди. Олдинлари у хиёнат сўзини эшитганида, наҳотки бу мумкин бўлса деб ҳайрон қолар, астойдил жиғибийрон бўларди. Энди эса хиёнатнинг ҳеч ажабланарли жойи йўқдай туюларди. Мухим, ҳеч ким кўрмасас бас. Шу орада тўғилган ўғлининг қайсидир жойлари директорга ўхша-шини кўриб юрагига бир кўркүв орадиди. Аммо бу ҳақда ҳеч ким гапирмагач, хотиржамликка берилди. Қайнонасининг гоҳ-гоҳида қар-

ҚИЛИМШ - ҚИДИРМИШ

... Баҳодир жиноят қилиб, бир йил «ўтириб» чиқгач, кейин оиласидан тотувлиги рўзгоридан барака кетди. Қўли ишга бормай, у ер-бу ерда вақтинчалик ишлаб юрди. Охири бекорчилик қўчасига кириб, ўзига ўхшаш ошна-оғайнилар орттирди. Ичкилик тўфайли охир-оқибат эр-хотин қонуний ажрашишиб, Шавкат отасиз қолди.

Баҳодир шуларни ўйларкан, ҳозиргина ютиб олган арок захри бутун баданига тарқаб бораётганлигини ўзи ҳам сезиб турарди. Қаерга борсин? Охири бир қарорга келди чоғи, ўғли билан собиқ хотинининг ўйи томон гандирақлаб кетди. Йўл бўйи ўзи билан ўзи гаплашиб, кимлар биландир уришиб, сўқиниб борди. Ақсига олиб 1-уй деворига «Лифт вақтинчалик ишламайди», деб ёзиб қўйилганлиги унинг асаб торларини баттар тортиб юборди. Кафтлари муштга келди. Зина тўқичларини ушлаб 3-қаватга кўтарилганда 4-қаватдан тушиб келаётган собиқ хотини ва ўғлини кўриб тўхтади. Баҳодир ўғлини кўргани келиб тўраб, бунга хотини ҳам унчалик қаршилик қилмас эди. Шу сабабдан Баҳодир ўзини бироз босиб, ўғлининг қўлидаги хонадон қалитини олиб,

юқорига чиқиб кетди. Бозорга чиқиб кетаётган Райхон эрининг эрталабдан кайфи борлигини, ўзи ҳам ғалати бир кайфиятда эканлигини кейинроқ пайқаб орқасига қайтди. Эшик ичкаридан беркитилганлигини кўрган Райхонни ваҳима босди. Кетма-кет эшикни тақиллатиб кўрди. У ширақой Баҳодирнинг ухлаб қолишидан кўрқарди. Узоқ турди. Яна тақиллатди. Асаби дош беролмай баҳира бошлади. Шундангина эшик очилиб, собиқ эр-хотин ўртасида навбатдаги даҳанакан жанг бошланди. Эски ярлар тирналди. Уйдаги арокдан ҳам бир пиёла ичиб олган Баҳодир ҳақиқий «шер»га айланаётган эди. Райхон уни яхшиликча уйдан чиқариб юбормоқчи бўлар, лекин Баҳодир бунни ҳаёлига ҳам келтирмасди. Бундай уруш-жанжалларни кўривериб, орак олдириб қолган Шавкат

хона бурчагига бекинмиб олиб, қалт-қалт титрарди. Яхши ниятлар билан олинган турли чинни идишлар навбати билан чилларчин бўлди. Бундай тўс-тўполонга ўрганиб қолган, уларни инсофга қақиравериб, тинкалари қуриган қўни-қўшниллар ҳам бу сафар юрак ютиб уйларида чиколмай туришди. Ҳазаб отига минган Баҳодир бора-бора ўзини бошқаролмай қолди. У тўсатдан ошхона тоқчасида турган болгани олиб, Райхоннинг бошига икки марта урмоқчи бўлди. Болга зарблари унчалик қаттиқ бўлмагани учун у ўзини олиб қочигша улгурди. Аммо мушти-пар она учинчисини қайтара олмай қолди. Зарба қулгоги аралаш бўйнига келиб тушди. Атрофга қоп-қора қон сачраб кетди. Шавкат ўзгубан ерга йиқилган онасининг устига юзтини ташлаб, уни турғизмоқчи бўлди. Ле-

кин қучи етмади. Жажжи қўллари онасининг қони билан бўялди. Райхоннинг қаттиқ чинқирғини эшитган қўшниси Матлуба чидаб туролмади. Ўғли билан бирга ёрдамга шошилди. Не кўз билан кўрсинки, дугонаси катта уй ўртасида, қонга беланиб ётар. Баҳодир эса қўлидаги болга билан навбатдаги ҳамлага тайёр турарди. Матлуба ўзини йўқотмади. Дастлаб Баҳодирнинг қўлидаги болгани тортиб олди. Бу орада тўпланган қўни-қўшнилларнинг бири «тез ёрдам»га, бири эса милицияга югурди.

Тошкент Тўқимачилик комбинати касал-хонаси шифокорларининг саъй-ҳаракатлари тўфайли Райхоннинг жони омон қолди. Баҳодир Сиддиқов Жиноят Кодексининг тегишли моддалари билан инсон ҳаётига тажовуз этганлигида айбланиб, Тошкент шаҳар Сирғали туман судининг ҳукми билан, узоқ муддатга қаттиқ режимида ахлоқ тўзатиш масканига жўнатилди. Қилимш-қидирмиш деб шунга айтсалар керак.

Азизбек УСМОНОВ, Сирғали туман прокурори ёрдамчиси. Наврўза Лутуллоева, «Хўкў» муҳбири

Г У М Р О Х

Исроил ИБРОХИМОВ

ХАВФЛИ ҚОЧОК

(қиссадан бошлар)

(Бошланиши ўтган сонда.)

... У чўчиб уйгонганида тонг ёришаётганди. Уйкудаги Мунира янада чиройли кўриниб кетди кўзига. «Хуршид аё», кўзлари юмюкчиликка шивирлади у. Кейинги сўзларини эшитолмади. Уйкусираб «қайси Хуршид билан гаплашптикин», деб гижинди-ю, ўзининг оти Хуршидликни эслаб, кулиб юборди. «Отелло бўп кет-э!» Мунира ўрнида керишиб, эснади. Елкасига халатини илиб, ҳовлига қараб юрди. Халат Хуршиднинг юрагини яна гаш қилди. Уни туғилган кунига совға қилишганди. Кимданлигини ўшанда сўраб олмайсаним, ахмоқ! Келиб-келиб тунги халат совға қиладимиз? Бунинг тагида бир гап бор!..

Рашк одамни бунчалик бадгумон қилиб қўйишини етти ухлаб тушида ҳам кўрмаганди. Ақил «бас, тирноқ остидан кир қидираверма» дер, бирок, ҳиссиётлари фоллиб келиб, кўнгли хижил бўлаверарди.

У шоша-пиша кийинди. Қайси кийимда чиқиб кетганини хотини кўрмаслиги керак. Тўрт-беш йилдан бери могор босиб ётган плашга буржаниб, умрида бир марта кийган шляпани қошигача бостирди. Студентлигининг эсдалик бўлиб қолган қора кўзойнакни жавондан қидириб топди. Болалари уйгонганча йўқ. Мунира ошхонада, дастурхон тузаяпти чоғи. Уғри мушукдек пусиб, ташқарига чиқди. Оббо, калитни унуттибди-ю. У яна изига қайтаётганида Мунира ошхонадан чиқиб қолди.

— Уф, юрагини туширдиз-а!

У кўлга тушган ўғридек бесаранжом бўлиб, томоғини қирди.

— Калитни обберин!

— Бунақа юрманг, дазмоллаб берай плашни!

— Бўлаверди. Кеч қомай, биринчи рейсда Тошкентга учаман-а!

— Кўпайиб кетаяпти-да, командировақариз, — жилмайди Мунира.

Аваллари хараша қиларди, ҳозир бўлса кулиб турибди. Балки, «икки-уч кун эрким қўлимда», деб суюнаётгандир!

У ишчиларни эрталабки сменага ташийдиган автобусда шаҳар марка-зигача бориб олди. Тонг сахардонақ такси бекатида машиналар турнақатор эди. У атайлаб бошқа шаҳарга тегишли машинани излади. Шу сабабли биқинига «Кўжон АТП» деб ёзилган такси олдига борди.

— Бир кунлик планиз қанча? — деди таксичи билан сўрашиб.

— Нимаиди, — афтидан энди армияни битириб келиб, иш бошлаган, кўнгли мўйловли йигит «сендақа текширувчиларни...» деган оҳангда тўнғиллади.

— Балки кечгача юрармиз, — деди Хуршид. Бу гапдан ҳайдовчининг юзи еришди.

— Берарсиз-да, кўнғилдан чиқариб!

— Билиб олай, чўнтак кўтарардимиз?

— План уч минг, — ҳайдовчи ўзича мингни кўшди.

— Яхши, тушгача иш битса икки минг, кечгача юрсак уч ярим минг бераман...

— Бўпти-да, ака!

— Яна битта шартим бор. Қаёққа бораёпмиз, нима қилаёпмиз, ишиз бўмайди.

Ҳайдовчининг тайсаллаганини кўриб, қўшиб қўйди:

— Қўрқманг, ўғирликка бошламайман!

Хуршид кўчаларидаги автобус бекатидан юз қадамча берироқда такси-ни тўхтади. Соят энди етти бўлган, чорраҳадаги қаҳвахона эса ҳар доимғидай туну-кун очик.

— Юринг, чўш инволамиз, — деди ҳайдовчига.

Хуршид «бош оғригига» мастава буюрди. Ҳайдовчи ҳам у нима буюрса, ўшани олди. Хуршид кўчанинг нариги юзи, автобус бекати кафтдай кўриниб турадиган дераза ёнидаги столга ўрнашиб ўтирди. Маставани ичаётганда ҳам икки кўзи ташқарида эди. Бекатга шошилаётган Мунирани олисдан таниб, ҳайдовчини шоширди.

Беш дақиқа ўтмай бекатда автобус тўхтади.

— Кетдик, — деди Хуршид. — Автобусни қоралаб юраверамиз...

Мунира автобусда қорлари эриётган далаларга термулиб бораркан, кимга керак бўлиб қолди бу, деган тусмол унинг хаёлини тўхтовсиз пармаларди. Бировга ёмонлигимиз йўқ, кўлимиздан келса, ёрдамимизни аямасагу... Қанча кўч-кўч, сур-сур, тўсиқларга чидаб, энди қаддимизни тиклаганимизда ким уйимизни бузмокчи? «Эриз битта сап-сарик хотинни топиб олган, чизган чизғидан чиқмайди...» Ким ёзиб, ташлаб кетдикин, бу хатни?

Мунира Оқсувда бир фолбин чиққанини, унга ихлос қўйганларнинг сон-саногий йўқлигини эшитганди. Назарида фолбин «кундошини ҳам, хат муаллифини ҳам даровро айтиб берадигандай эди. Тоғ этагида қишлоқ кўринди. Тошдан-тошга урилиб, шовуллаб оқаётган сой узра қурилган бетон кўприкдан ўтиб, худди уйлари бир-биринга мингашиб кетгандай алдамчи таассурот уйғотадиган тоғ қишлоғининг илон изи кўчаларидан бош гузарига, бозорига етиб боришди.

Мунира бозорга кираришда, кўчма пештахтада мунчоқ, зира, курут каби майда-чуйда сотиб ўтирган кекса аёлга салом берди.

— Ҳалима фолбиннинг уйи бозорнинг ёнида дейишганди, қандай топсам бўлади?

Аёл худди шу саволни кутиб тургандай:

— Анави кўчга кириб, чагга буриласиз. Ўнгдан бешинчи, кўк темир дарвозали уй, — деди.

Фолбиннинг эшиги олдида беш-олтита ёнғил машина қаторлашиб турарди. Ҳовлида, сўриларда, айвонда кекса-ю ёш, эркак-аёл хожатман-лар навбат кутиб ўтиришарди. Боғда, баҳайбат ўрик остида уч-тўрт киши битта кўйни бўғизлаб тарадуладди. Гавжум ҳовлидаги гайритабиий со-килик ҳайратга солди Мунирани. Кейин билишчича, одамлар ҳовлига тўлган рухларни чўчишиб кўйишдан кўрққандай пичирлаб гаплашишарди. Уни айвондаги сўрига тақлиф қилишди.

(Давоми кейинги сонда.)

КРОССВОРД

Энига:

3. Олий ўқув юртида факультет раҳбари. 6. Аргентина-лик машҳур футболчи. 9. Ранг-баранг патли, сайроқи кўш. 14. Баъзи туркий халқларда қўшиқлари, шеър ва достонлар номи. 15. Массанинг улуш бирлиги, заргарликда ишлатилади. 19. Уганда пойтахти. 20. Ўзбек халқ кўйи. 24. «Меҳробдан чаён» асари қаҳрамони. 25. Ер ўстининг йирик массиви, қуруқлик. 28. Эгилган, эгри-бугри. 29. Пластик чўкинди тоғ жинси. 33. Саёз сув ҳавзасини ўраган яхлит ёки узун халқасимон маржон орол-лари. 35. Ойга биринчи қадам қўйган астронавт. 36. Ўн тўрт мисрадан иборат шеърый шахл.

Бўйига:

1. Қадимий никоҳ одатларидан бири, бева янғининг қайнисига эрга чиқиши. 2. Шимолий муз океанидаги денгиз. 10. Усимликларнинг таомга хушбўй лаззат берувчи қисми. 11. «Маугли» ҳақидаги ҳикоя муаллифи. 12. Ўрта асрларда қиролнинг бевосита вас-сали. 16. Косметикада ишлатиладиган хушбўй, майин кукун. 17. Германиядаги ер. 18. «Нураф-шон» қўшма қорхонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тури. 21. Аёллар журнаси. 22. Гўшнинг суви, қони. 26. Россиядаги республика. 31. Пуфлаб чалинади-ган мусика асбоби.

Ёйлар бўйича ўнгдан чагга:

4. Даврий нашрлар. 7. Яхлит тош палаҳаси. 30. Юк кўтарув-чи механизм. 34. Уйғун асари.

Ёйлар бўйича чапдан ўнгга:

5. Америкадаги шаҳар. 8. Думсиз амфибиялар личинкаси. 13. XX аср бошида ҳалокатга учраган машҳур кема. 23. Келича, ўғирча. 27. Қизилқумдаги қончилар шаҳри. 32. Хамирли миллий таом.

Тузувчи: Соҳибжон МАМАЖОНОВ,
Андижон туманидаги 32-ўрта мактаб ўқитувчиси

ТУРФА ОЛАМ, ТУРФА ОДАМАР

ФАРҚИМИЗ БОР-ЙЎҒИ МИНГ ЙИЛ

Эгизаклар деганда ҳаммамиз ҳам бир кунда бир онандан туғилган икки ёки уч, тўрт, беш... ака-ўка, опа-сингил қабилирнинг тушунамиз. Бир сўз билан айтганда эгизаклар бир вақтда туғилган кишилардир.

Лекин ҳаётда шундай эгизаклар бўлиши мумкинки, улар бошқа-бошқа кунларда туғилган бўладилар. Нима бўлганда ҳам уларнинг «ёши» орасида фарқ кўп эмас. Агар эгизаклар «ёши» орасидаги фарқ (мажозий фарқ, албатта) бир йил фарқ қилса-чи? Буям майли, АҚШнинг Массачусетс штатида туғилган эгизаклар бир-биридан минг йил фарқ билан туғилишди.

Эгизаклар Аарон ва Луканинг онаси Дебра Хегенбергери турруқхонага келтирилганда йил, аср ва минг йиллик тугашига жуда оз қолган эди.

Эгизаклардан биринчиси Аарон маҳаллий вақт билан 23:53 да дунё юзини кўрган бўлса, иккинчиси Лука 8 минутдан кейин, яъни 00:01 да туғилди.

Эгизакларнинг ота-онасини эса ҳозирча бир нарсасиз фарзандларининг туғилган кунларини қачон ва қандай қилиб нишонлаш ўйлантириб турибди.

«Улар улағишганда, янги йил кечасини кутиб чоғида уларнинг туғилган кунларини ҳам нишонлаймиз», дейди эгизакларнинг онаси.

Ҳамшираларнинг айтишича, эгизакларга кўзи ёриган аёлнинг эрига биринчи гапирган гапи «Гиз, биз Янги йил балани ўтказиб қўйдик», деган сўзлар бўлган. Ҳали-бала шу америкаликлар, бу ёдда иккита кўчқордек ўғил, улар янги йил балани гапирдилар-а!

ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ

ВАЗНИМ АЙБИММИ?

Ҳар нарасида меъёр бўлгани каби семизликда ҳам чегара борлигини Лос-Анжелеслик Синтия Лютер тушуниб етди. 140 килограмм тош боса-диган бу барно йигитни «Саутэст эйрлайн» авиакомпанияси билан судлашшига мажбур қилган нарсаси нима деб ўйлайсиз? Агар сиз вазни билан «Боинг»нинг мувозанатини йўқотишга сабаб бўлгани учун ёки бўлмаса, самолёт эши-гига симангаллиги учундир, деб ўйласангиз адаш-ган бўласиз. Авиакосадагилар Синтия Лютер-дан бир ўзи учун иккита чипта олишни талаб қилганларида бу унга жуда алам қилган эди. Табииники, Лютер ўзи учун иккита чипта олишни хохламади. Авиаккомпаниянинг хира хизматчи-си эса бошқа йўловчиларга ҳалақит бермаслиги учун ундан 2 та чипта олишни талаб қилиб турган олғач, Лютернинг жанжалга тоби йўқроқ

шериги ўз ҳисобидан бақалоқ ошнасига яна битта чипта сотиб олиб берди. Синтия Лютер самолёт парвози чоғида атайлаб бир қреслонни банд қилди. Албатта бу қайсарлик унга анча қийинчилик туғдирди, лекин у парвоз якунига қадар «ғинг» демай жойида ўтирди. Шундан сўнг у ушбу авиакомпанияни судга берди ва компанияни уни бекордан-бекорга иккита чипта олишга мажбур этанликда айблади. Лютер-нинг айтишича, парвоз пайтида ҳеч бир йўловчи ундан ноқулайлик сезмаган.

Аmmo судья Мерилин Хоффман «Саутэст»-нинг тугган йўлини тўғри деб билди ва бақалоқ Лютер судда ютқазди. Бу қарорга келган судья ўзини 140 килограммлик Синтия билан ёнма-ён самолёт бортида ўтирган ҳолатда тасаввур қил-ган бўлса ҳам ажаб эмас.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Қашқадарё вилоят прокуратураси жамоаси Фузур туман прокурори

Жуманазар Хушвақтович УМИРОВнинг бевакт вафот этганлиги муносабати билан марҳум-нинг оила-аъзолари, яқинларига чўқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Тошкент шаҳар прокуратураси жамоаси ушбу про-куратуранинг алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчиси Шодмонов Эгамберди отаси

Раҳим ШОДМОНОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия бил-диради.